

Таҳир ҳайъати раиси:

Х.Б.Юнусов – СамдВЧБУ ректори,
б.ф.д., профессор

Таҳир ҳайъати:

Ж.Азимов – ЎзР ФА академиги
А.И.Ятусевич – РФА академиги
Э.Д.Джавадов – РФА академиги
Ю.А.Юлдашбаев – РФА академиги
Д.А.Девришов – РФА мухбир аъзоси
Б.Норқобилов – Ветеринария ва
чорвачиликни ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси

А.Орипов – профессор
Х.Салимов – профессор
Ш.Джаббаров – профессор
А.Даминов – профессор
Р.Давлатов – профессор
Қ.Норбоев – профессор
Б.Б.Бакиров – профессор
Н.Дилмуродов – профессор
Ф.Акрамова – б.ф.д., профессор
Б.Элмуродов – в.ф.д.
Н.Юлдашов – в.ф.д.
Х.Ниёзов – в.ф.д.
Б.Нарзиев – в.ф.н., доцент
Х.Бозоров – в.ф.н., доцент
Р.Рўзиқулов – в.ф.н., доцент
А.А.Белко – ВДВМА доценти
Д.Н.Федотов – ВДВМА доценти

**Бош муҳаррир вазифасини
бажарувчи:**

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир:

Дилшод Юлдашев

Дизайнер:

Хусан САФАРАЛИЕВ

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:

Ўзбекистон Республикаси
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат қўмитаси

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат қўмитаси,
“AGROZOOVETSERVIS”

масъулияти чекланган жамияти
Ўзбекистон Матбуот ва аҳборот
агентлигига 2018 йил 2 февралда

0284-ракам билан рўйхатга олинган

Журнал 2007 йил сентябрдан
чоп этилмоқда

Манзил: 100070, Тошкент шаҳри,
Усмон Носир, 22.

Таҳририят манзили: 100022, Тошкент
شاҳри, Кўшбеги кўчаси, 22-уй
Тел.: 99 307-01-68,

Фақат телеграмм учун 97 770-22-35.

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади 3600.

Нашр индекси: 1162

Босишига руҳсат этилди: 25.05.2022.
Бичими 60x84^{1/8}. Офсет усулида чоп
етилди. 4,25 б.т. Буюртма № 14.
Баҳоси келишилган нархда.

© Veterinariya meditsinası, #05 (174) 2022
“PRINT-MAKON” МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.
Чилонзор тумани, 25 мавзе,
47-йи, 45-хонадон.

Ислоҳот мевалари

С.Бердиқулов – Инвестиция – самарадорлик демак 3
А.Даминов – Илм-фан тараққиёт локомотивидир 5

Бугуннинг гапи

А. Алиқулов – Қорақалпоғистон: чорвадорга елкадош
ветврачлар 6

Юқумли касалликлар

S.F.Fayziyeva, Q.N.Norboyev – Buzoqlar dispepsiyasida
ichaklarning bakterial ko‘rsatkichlari 10
М.М.Сайдкулов, А.Г.Кошнеров, И.Дж.Мурзалиев –
Смешанное течение пневмоэнтеритов овец заразной этиологии. 12

Юқумсиз касалликлар

Q.N.Norboyev, H.N.Bektanova – Yosh itlarda raxit belgilari va
gematologik ko‘rsatkichlari 16

Паразитар касалликлар

С.С.Мейлиев, А.О.Орипов, Н.Э.Йўлдошев – Корамол ва
қўйларнинг асосий трематодозлари 18
Ш.Х.Қурбанов, Р.Қ.Нормаматов, М.У.Фармонов –
Трематодаларнинг тараққиёт босқичлари 21
К.Ш.Ақрамов – Товуқларнинг асосий гельминтозлари 24

Ветеринария амалиёти ютуқлари ва муаммолари ечимлари

Н.Юсупов – Органическое производство – будущее сельского
хозяйства 26

Ветеринария-санитария экспертизаси

С.Ф.Холиков, М.И.Хушназарова – Бройлер товуқлар
гўштининг ветеринария-санитария экспертизаси 29

Зоогигиена

O.Ne’matullayev.Y.Salimov – Xlorella suspenziyasining tovuqlar
tuxumdorligi va tuxum sifatiga ta’siri 31
F.M.Қулдошев, М.Мирзанова, А.Холиков – Куфестрол
препаратининг товуқлар тухум маҳсулдорлигига таъсири 32
N.B.Boysinova. F.B.Ibragimov – Broyler jo‘jalarining o‘sish va
rivojlanish ko‘rsatkichlariga probiotiklarning ta’siri 34

Табрик

Шуҳрат Эшматов – Касбга садоқатли ветврач 36

Хотира

Бахром Шерназаров – Билимдон ветврач эдилар 36

Chairman of Editorial Board:

X.B.Yunusov – doctor of biology, professor

Editorial board:

J.Azimov – academic
 A.I.Yatusevich – academic RAN
 E.Dj.Djavadov – academic RAN
 Y.A.Yuldashbayev – academic RAN
 D.A.Devrishov – correspondent RAN
 B.Norqobilov – Chairman of the state Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan
 A.Oripopov – professor
 X.Salimov – professor
 Sh.Djabbarov – professor
 A.Daminov – professor
 R.Davlatov – professor
 Q.Norboev – professor
 B.B.Bakirov – professor
 N.Dilmurodov – professor
 F.Akramova – doctor of biology, professor
 B.Elmuradov – doctor of veterinary
 N.Yuldashov – doctor of veterinary
 X.Niyozov – doctor of veterinary
 B.Narziev – doctor of veterinary
 X.Bozorov – doctor of veterinary
 R.Ruzikulov – doctor of veterinary
 A.A.Belko – dotsent VDVMA
 D.N.Fedotov – dotsent VDVMA

Acting Chief Editor:

Abdunabi ALIKULOV

Editors:

Dilshod YOLDOSHEV

Designer:

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

Initiator and leader of the project:
 State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan

Founders:

State Committee of Veterinary and Livestock development of the Republic of Uzbekistan,
 “AGROZOOVETSERVIS” Co., Ltd.

Registered in Uzbekistan Press and News agency by 0284

Address: 22, Usmon Nosir, Tashkent, 100070. Editorial address: 4, Kushbegi, 22 Tashkent, 100022 Tel.: **99 307-01-68,** **97 770-22-35**

Web-site: www.vetjurnal.uz

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

circulation: 3600

Index: 1162

Permitted for print: 25.05.2022. Format 60x84 1/8 Printed by Offset printing 4,25 press works Order #14 Free price.
 © “Veterinariya meditsinasi”, #05 (174) 2022

Printed by “PRINT-MAKON” Co., Ltd., Tashkent city. 47/45, Chilanzar 25 quarter .

The fruits of reform

S. Berdikulov – Investment is the result of reforms3
A. Daminov – Science is the locomotive of development5

Today's talk

A.Alikulov – Karakalpakstan: The veterinarian is support to livestock breeder.....6

Contagious diseases

S.F. Fayziyeva, Q.N. Norboyev – Intestinal bacterial parameters in calf dyspepsia.....10
M.M.Sayidkulov, A.G.Koshnerov, I.J.Murzaliev – Mixed course of pneumoenteritis of infectious etiology in sheep12

Non-contagious diseases

K.N. Norboyev, H.N. Bektanova - Symptoms and hematological indicators of rickets in young dogs16

Parasitic diseases

S.S.Meyliev, A.O.Oripopov, N.E.Yuldashev – Basic trematodes of sheep and cattle18
Sh.H.Kurbanov, R. K.Normamatov, M.U.Farmonov – Stages of development of trematodes21
K.Sh.Akramov – Basic helminthiasis of chickens24

Achievements and problems of veterinary practice

N.Yusupov – Organic production is the future of agriculture26

Veterinary sanitary expertise

S.F. Kholikov, MI Khushnazarova – Veterinary and sanitary expertise of broiler chicken meat29

Zoological hygiene

O.Nematullayev, Y.Salimov – Effect of chlorella suspension on chicken ovulation and egg quality31
G.M.Kuldoshev, M.Mirzanova, A.Khalikov – Effect of Kufestrol on the productivity of chicken eggs32
N.B.Boysanova, F.B.Ibragimov – Effect of probiotics on growth and developmental indicators of broiler chickens34

Congratulations

Shuhrat Eshmatov – A dedicated veterinarian

Memory

Bahrom Shernazarov – He was a smart veterinarian36

ИНВЕСТИЦИЯ – САМАРАДОРЛИК ДЕМАК

Айни пайтда жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар силсиласи озиқ-овқат хавфсизлиги ва таъминотини мамлакатлар, ҳалқлар тақдиридаги мухим масалага айлантирмоқда. Муайян жараёнлар сабаб озиқ-овқат тақчиллиги сезила бошлаганини ҳалқаро эксперталар ва соҳа мутахассислари ташвиш билан қайд этмоқда. Ҳатто дунёнинг ривожланган давлатларида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг кескин кўтарилгани кузатилмоқда.

Юртимизда эса Президентимизнинг одилона сиёсати, олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар бозор механизмларининг бир маромда ишлашига хизмат қиляпти. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ти қарори ветеринария соҳасига эътиборни янги босқичга олиб чиққанини таъкидлаш жоиз. Мазкур қарор асосида ветеринария бўйича ҳалқаро алоқаларни йўлга қўйишнинг дастлабки жараёни бошланди. Шу йили мамлакатимиз Жаҳон ҳайвонлар соглигини химоя қилиш ташкилоти билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Ҳукуматимиз ва Ҳалқаро эпизоотик бюро ўргасида ветеринария соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишув имзоланди. Келишув асосида мамлакатимизда ветеринар осойишталикни таъминлашни жаҳон стандартлари га тенглаштириш учун бюронинг тўққиз нафар эксперти жалб қилинди.

Эътиборлиси шуки, Президентимизнинг 2019 йил 28 мартағаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ти фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ти қарорига мувофиқ қўмитанинг ҳалқаро алоқалар ва инвестицияларни жалб қилиш бошқармаси ташкил этилди ва ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик янги погонага кўтарилиди.

Шу ўринда ҳалқаро ҳамкорликдан бизга қандай манфаат бор, деган савол туғилиши табиий. Тан олиш керакки, ахоли, хусусан, соҳа билан шуғулланадиган фермер хўжаликларининг ички ресурслари билан чорвачиликни янада ривожлантириш қийин. Чунки чорвачиликда қўлланадиган замонавий ускуна ва жиҳозлар, техника дунё миқёсида жуда қиммат туради. Мисол учун, бир мартағада элликта сигирдан сут сут соғиб олиш имконини берадиган автоматлаштирилган хонани барпо этиш, зарур ускуналар комплекси билан жиҳозлаш учун камида 7-8 миллиард сўм керак. Бунча сарф-харажатга унча-мунча фермерларимизнинг курби етмайди. Банк кредитидан олай, деса топган даромадининг аксарият қисми фоизни қоплашга кетади. Боз устига чорвачилик рискли йўналиш хисобланади. Кутимаган вазиятлар туфайли фермер бор топганидан айрилиши мумкин. Шу боис соҳани ривожлантиришда ҳалқаро ташкилотларнинг грант маблағларидан фойдаланиш самарали йўл хисобланади. Улар муайян лойиха доирасида керакли ускуна, техник воситаларни етказиб

беради. Эвазига биз улар истаган чорвачилик маҳсулотини бозор нархида етказиб беришни зиммамизга оламиз. Ҳалқаро молиявий ташкилотлар кўмаги мамлакатимизда интенсив чорвачиликни юзага чиқариб, чорва билан шуғулланувчи фермерлар фаолиятини кўллаб-куватлашда мана шундай аҳамият касб этади.

Ҳаммамизга яхши маълум: ишлаб чиқарувчи қанча кам маблағ сарфласа, маҳсулот таннархи шунча арzon бўлади. Қиймат пасайиши, ўз навбатида, бозорларимиз ободлиги, дастурхон тўқинлиги ва ҳалқимизнинг фаронлигига хизмат қиласди.

Ҳалқаро муносабатларни мустаҳкамлаш мақсадида қатор давлатлар билан келишувлар имзоланди. Жумладан, 2019 йилда Хитой Ҳалқ Республикасига ишлов берилган жун, қашемир, асал ва ичак маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича протокол, 2020 йилда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Венгрия аграр палатаси ва Венгрия чорвадорлар иттифоқи ўргасида чорвачилик соҳасидаги битим, 2021 йилда Туркия Республикаси Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги вазирлиги билан Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ўргасида балиқчилик соҳасида ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукматлари ўргасида балиқчилик соҳасида ҳамкорликка оид битим имзоланди. Бундан ташқари, Беларусь, Россия, Саудия Арабистони, Германия, Япония, Латвиянинг тегишли вазирлик ва идоралари билан ветеринария ва чорвачилик соҳасида меморандум лойихалари ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимизда ветеринария ва чорвачилик тармоқларини янада ривожлантириш учун ҳалқаро молия ташкилотларининг грант маблағларини жалб этиш йўлга кўйилди. Жумладан, БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти билан ветеринария, чорвачилик, асаларичилик, балиқчилик соҳаларини ривожлантириш бўйича тўққизта лойиха амалга оширилмоқда.

АҚШнинг Биохавфсизликни таъминлаш бўйича ёрдам дастури лойихаси доирасида умумий қиймати 1,9 миллион АҚШ долларига тенг энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган олтига ҳудудий диагностика лабораторияси ташкил этилди.

Жанубий Кореянинг Ҳалқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) грант маблағлари доирасида 150 минг АҚШ долларига тенг 14 турдаги замонавий лаборатория жиҳозлари ўрнатилди. Мазкур мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги



бўйича ҳамкорлик ташкилоти (КОПИА) билан бирга 2019-2020 йилларда “Аҳоли хонадонларида чорва молларини етиштириш усулларини такомиллаштириш” лойиҳаси амалга оширилди. Хозир ушбу ташкилот билан умумий қиймати 300 минг АҚШ доллари бўлган “Ўзбекистондан сут ишлаб чиқаришда соғин сигирларни боқиш, селекцияни жадаллаштириш ва кўпайтириш” лойиҳаси давом эттирилмоқда.

Туркия Халқаро ҳамкорлик агентлиги (ТИКА) билан умумий қиймати 178 минг АҚШ долларига teng бўлган озуқабоп экинларда бирламчи уругчилик ишларини та-комиллаштириш ва юртимизда паррандачилик соҳасини ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли, арzon тухум ва товуқ маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича қўшма лойиҳалар жадал давом этяпти. Ҳамкорлик доирасида мамлакатимизда корамолларни сунъий ургулантириш бўйича ўқув-семинарлар ташкил этилиб, уч мингдан ортиқ мутахассиснинг малакаси оширилди.

Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) дастури доирасида умумий қиймати 350 минг АҚШ доллари бўлган тўртта лойиҳа амалга оширилмоқда. Атом энергияси бўйича халқаро агентлик кўмагида 320 минг евро миқдоридаги замонавий лаборатория жиҳозлари харид қилинди. Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЛСА) билан ҳамкорлик доирасида ветеринария ва чорвачилик соҳасига агентликнинг умумий қиймати 200 миллион АҚШ долларига teng имтиёзли кредит маблағларини жалб этилмоқда.

Шу кунга қадар мамлакатимизда чорвачиликни ривожлантириш, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш учун илғор хорижий технологияларни жорий этиш максадида халқаро молия институтларининг умумий суммаси 441,9 миллион АҚШ долларига teng имтиёзли кредит маблағлари жалб қилинди.

Жумладан, Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокидаги “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида 150 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит ажратилди. Натижада фермер ҳўжаликлари томонидан бажарилган 517 та лойиҳа молиялаштирилди. Ташибускорлар чет давлатлардан 30 минг қорамол ва 16,5 минг бош кўй-эчки, 710 бош от ва тия келтирди. Кўшимча 2,5 миллионта парранда боқиш кувватига эга ускуна, шунингдек, балиқ етиштириш ва сутни қайта ишлаш технологиялари харид қилиниб, олти мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Осиё тараққиёт банкининг “Чорвачилик соҳасида кўшилган қиймат занжирини яратишни ривожлантириши” лойиҳаси доирасида чорвачилик тармокларини молиялаштириш учун 146 миллион АҚШ доллари ҳамда соҳани кўллаб-кувватлаш хизмати ва лойиҳани бошқариш ишларига 4 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Лойиҳа ҳисобидан бугунги кун ҳолатига кўра, 112,9 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилиб, 988 та лойиҳа бажарилди. Натижада 33 минг бош наслли қорамол, 55 минг бош зотдор кўй-эчки, 16,5 мингта наслли кўён, 2 миллионта парранда, 280 бош от, 138 та қишлоқ ҳўжалиги техникаси, йилига 30 тонна асал олиш, 400 тонна жунни қайта ишлаш, 10 500 тонна сутни қайта ишлаш, 7,6 минг тонна балиқ етиштириш, 435 тонна гўштни қайта

ишлаш, 22 минг тонна ем ишлаб чиқариш кувватига эга ускуналар харид қилинди.

Кишлоқ ҳўжалиги тараққиёти ҳалқаро жамғар-масининг “Ўзбекистоннинг сутчиллик соҳасида кўшилган қиймат занжирини ривожлантириши” лойиҳаси доирасида 23,9 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратилди. Бугунги кунгача лойиҳа ҳисобидан 16,7 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди. Натижада 432 та сублойиҳа амалга оширилиб, 4342 минг бош наслли йирик шохли қорамол, 17 та сублойиҳа асосида кунига 6 тонна сутни қайта ишлаш ва соатига 1 тонна ем-хашак ишлаб чиқариш ускуналари, 92 дона қишлоқ ҳўжалиги техникаси харид қилинди, 4345 нафардан зиёд доимий иш ўрни яратилди.

Франция тараққиёт агентлиги иштирокида “Чорвачилик соҳасини барқарор ривожлантиришни молиялаштириш” лойиҳаси доирасида 100 миллион евро имтиёзли кредит ҳамда Европа иттифоқининг 11,5 миллион евро грант маблағлари жалб қилинди. Бундан ташқари, Жаҳон банкининг “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик секторини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида олиб борилган музокаалар давомида қўшимча молиялаштириш учун 300 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ажратилиши бўйича келишиб олинди. Мазкур лойиҳҳанинг қарз битими 2022 йилда имзоланиши кутилмоқда.

Қўмита юртимизни дунёнинг ветеринария ва чорвачилик соҳалари ривожланган давлатлари қаторига олиб чиқиш бўйича самарали механизми иўлга кўйди. Жумладан, қўмита ва унинг худудий бошқармаларида давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларни экспорт қилишда учрайдиган муаммоларни бартараф этиш ва тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича “Экспортни кўллаб-кувватлаш ва кўмаклашиш штаби” ташкил этилган.

Мазкур штаб давлат ветеринария хизмати назорати остидаги товарларнинг экспорти тизимли йўлга кўйилиши натижасида 2021 йил ва 2022 йилнинг ўтган даври давомида бир қатор ишларни бажарди. Жумладан, маҳаллий чорвачилик маҳсулотларини экспорт қилиш учун 70 га яқин ҳўжалик юритувчи субъектга янги имконият яратилди. Хусусан, улар Евроосиё иқтисодий иттифоқи, Қирғизистон, Украина, Хитой Халқ Республикаси, Европа иттифоқи бозорига маҳсулот олиб чиқиш имкониятини кўлга киритди. Айни пайтда давлат ветеринария хизмати назорати остидаги 36 турдаги товар 30 дан ортиқ давлатга экспорт қилинмоқда.

Қўмита хорижнинг етакчи олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан ҳам фаол ҳамкорлик ўннатмоқда. Жумладан, Германия, Венгрия, Чехия, Португалия, Италия, Польша, Туркия, Япония, АҚШ, Россия, Беларусь, Қозогистон, ва Тожикистон олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот институтлари билан етмишдан ортиқ ҳамкорлик шартномаси ва меморандум имзоланди.

Ҳеч шубҳа йўқки, яқин келажақда тармоқдаги янгидан янги ўзгаришлар ўз самарасини беради. Аҳолини сифатли ва хавфсиз чорвачилик маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш баробарида маҳаллий чорва маҳсулотларини экспорт қилиш имконияти кенгайиб бораверади.

Сироҗиддин БЕРДИҚУЛОВ,
Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириши

ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТ ЛОКОМОТИВИДИР

Президентимиз таъкидлаганидек, учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш учун бизга замонавий илм ва яна бир бор илм керак. Бугунги ва эртанди кунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиладиган малакали профессор ўқитувчилар, ҳақиқий зиёлилар керак.

Ветеринария ва чорвачилк соҳасига юқори малакали кадрлар тайёрлаш, олий таълим тизимини модернизация қилиш, илм-фанны ривожлантириш, ўқитишнинг замонавий шакл ва технологияларни жорий этиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Илмий-тадқиқот ишларини самарали ташкил этиш, тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этиш таълим-фанишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларига иқтидорли ёшларни кўпроқ жалб этиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта аҳамият берилаяпти. Бундан кўзланган мақсад нафақат бўлажак юқори малакали кадрларни тайёрлаш балки умум таълим масканларида илм-фanni ривожлантиришдир.

Давлатимиз раҳбари ёшларни доимо илм олишига, фан-техниканинг энг сўнгги ютуқларидан боҳабар бўлишга, дунёдаги тенгдошлари билан рақобат қилиши, керак бўлса, уларга ўрнак бўлишини доимо таъкидлаб келади. “**Илм ўтда ёнмайдиган, сувда чўқмайдиган, хеч ким сиздан тортиб ооломайдиган бойлик эканини асло унутманг!**” Президентимизнинг ана шу даъваткор сўzlари биз олимлар зиммасига ҳам катта масъулият юкламоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фан ва илмий-тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонун қабул қилиниб, олий таълимдан кейинги таълим – илмий тадқиқот олиб бориш босқичлари ва шакллари – таянч докторантурা, докторантурा, мустақил изланувчилик, илмий даража ва увонлар бериш масалалари қонун билан мустаҳкамлаб кўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан илмий фаолият тўғрисида”ги қонуни Вазирлар Маҳкамасининг “Илм-фан таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тўғрисида”ги қарори илмий-тадқиқотларни рағбатлантиришда янги босқич бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “**Илм-фан бўлмаган жойда билим бўлмайди, билим йўқ жойда таълим бўлмайди**” деган сўzlари илм-фanni аввало таълим соҳасига фаол жалб этиш сўнгги беш йилликдаги энг



фаол ислоҳотлардан бирiga айланди. Бу борада ҳукуқий асослар яратилиб, дунё рейтингларида эътироф сари фаол харакатлар бошланди.

2019 йил Президентнинг “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони имзоланди. Мазкур фармонга асосан “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” қабул қилинди. Қабул қилинган концепцияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида университетимизда кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

2022-2026 йилларда Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилк ва биотехнологиялар университетини ҳамда тизимда фаолият юритаётган профессионал таълим муасссалари, илмий-тадқиқот институтларини комплекс ривожлантиришнинг узоқ ва ўрга муддатли стратегик ривожланиш дастури ишлаб чиқилди. Даастурга биноан: 2026 йилга қадар илмий даражали профессор-ўқитувчилар улушкини 55-60 фоизга етказиш, ҳалқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг биринчи 1000 талик рўйхатига кирган олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг университет билан ҳамкорлигини ташкил этиш, хорижий давлатларнинг илгор таълим муасссалари билан академик ҳамкорликни йўлга қўйиш, илмий-тадқиқот фаолиятига маҳаллий ва ҳалқаро грант маблағларини жалб этиш самарадорлигини ошириш каби муҳим вазифалар белгиланди.

Университетнинг ҳалқаро нуфузини ошириш мақсадида илмий-техник маълумотлар базаларида индексланувчи журналларданашр этилган мақолалар сонини ошириш, Хирш индекси кўрсаткичи 5 ва ундан юқори бўлган профессор-ўқитувчилар сонини бир неча баробар кўпайтириш, ўқув жараёнига хорижий профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш, ҳалқаро рейтингда 1000 талик рўйхатига кирувчи олий таълим муассасаларида илмий даража (PhD, DSc) олган профессор-ўқитувчилар сонини ошириш, республика ва ҳалқаро миқёсда ўтказиладиган илмий конференциялар ҳамда ушбу илмий журналларда чоп этиладиган мақолалар сони ва сифатини ошириш муҳим вазифа этиб белгиланди.

А.С. Даминов, профессор Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилк ва биотехнологиялар университетининг Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН: ЧОРВАДОРГА ЕЛКАДОШ ВЕТВРАЧЛАР

Минг йиллик ўтмиши чорвачилик билан узвий боғланиб кетган, табиат қийинчиликларини писанд құлмасдан мәхнатдан кадр топаётган қорақалпоқ элида **Махмуд Кайпановни** чорвага озгина алоқаси бўлган киши борки, яхши билади. У билан учрашган ё бирга ишлаган мутахассислар эса илиқ сўзлар билан тилга олади. Бу бежиз эмас. Махмуд оға кишининг кўнглига қараб муомала қиласидан зукко инсон, гапга чечан, лафзи бутун раҳбар. Қорақалпогистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитасига икки карпа раислик килган ва Бўзатовда ҳокимлик вазифасида ишлаб келгач, яна раисликка лозим кўрилган ветврач. Бунақа омадли кишилар ҳаётда жуда кам учрайди. Кайпановдаги омадни эса бир сўз билан ифодалаш мумкин. У зиммасига юкландан вазифани тез ва соз бажаришга интилади, ҳамкасбларидан ҳам шуни талаб этади. Қорақалпогистоннинг у ёгиу буёги 800 километрдан зиёдлигини назарда тутсак, айрим отарларга, огулларга бориш минг бир машакқат эканлигини кўз олдимизга келтирсак, чорваю ветеринариянинг каттаси бўлиш осон эмаслиги яққол ойдинлашади. Ахир бугун халқ билан мулоқот қилинмоқда, каттаю кичикнинг дарди тингланмоқда, Қорақалпогистонда эса ҳар икки гапнинг бири чорва билан боғлиқ. Одамларнинг бойлигию белга қувват дея бокадигани ҳам жоноворлар. Кўпайса қувонади, қийналса, пулга мухтожлик сезса сотади, озгина ўзини ўнглаб олса, тағин молбозорга югуради... Халқнинг тириклилиги, рўзгорининг локомотиви молбозор орқали ўтади. Минг йилдирки шундай...

Бу гал Қорақалпогистонда бўлган маҳал Махмуд оғадан ҳол сўрадик. У Президент сиёсатини, кўмита раисининг эътиборини олқишилади. Жойларда бўлиб, мутахассислар билан сұхбатлашгимиз келди. Шу тариқа Кайпановнинг маслаҳати билан дастлаб **Хўжайлида Махсед оға Ережепов** билан учрашдик. Унинг эътироф этишича, Хўжайли тумани ҳокими чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Тажрибали чорвадорлар орасида **Жумамурод оға Туремуредовнинг** ҳурмати баланд. 78 ёшли қаршиласа-да ҳамон йигитлардек бардам

бўлган бу оқсоқол ёшларга ибрат кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Ўнлаб ёшларни қанотига олиб, доимий иш билан таъминлаган. Неваралару фарзандлар куршовида эл ташвиши билан яшаётган Жумамурод оға ғалати бир гапни айтди. “Бугун профессордан кўра, меҳнаткашу динатли, қийинчиликлардан кўркмайдиган жўмард чўпонни топиши мушкулроқ. Чунки сув такчиллиги биз томонларда яққол сезилмоқда, экинлар ҳам, бা�ъзан чорвани суғориш ҳам осон кечмаяпти-да.” Чорвадорлар сардорининг эътироф этишича, Шавкат Миромонович томонидан қорақалпоқ элига катта меҳр билан эътибор қаратилгани шу худудда яшаётган барча кишилар, ёшуқарининг руҳини кўтарди. Нафакат Мўйноқ ё Бўзатов, Тахтакўпир ё Қўнғирот, балки Қорақалпогистоннинг турли бурчакларидаги огулларга қадар одамлар давлатнинг беғараз кўмагини улкан қурилишлару ўзгаришлар тимсолида яққол кўришмоқда. Янги корхоналар, ишлаб чиқариш тизимлари вужудга келди, юзлаб, минглаб одамлар муким иш ўрнига эга бўлмоқда. Хўжайли туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Махседбай Ережепов бизни “Фоғир Гулом чорвани” МЧЖга қарашли ферма фаолияти билан таништириди. Халқ банкidan 14 миллиард сўм қарз олиб, хориждан 167 бош наслли гунажинлар олиб келган ва шу асосда наслчилк ишларини йўлга қўйган фермер бугун 381 бош қорамолнинг эгаси. 114 гектар ердаги озуқа экинларидан олинаётган озуқа чорвани боқиши, сут ва гўшт этиштириш имконини яратмоқда. Иш бошқарувчи Женисбай Манбетдурдиев ветеринария хизматидан мамнун. “Эмлаш ишлари ўз вақтида бажарилмоқда, мутахассисга кўнғироқ қилсангиз бас, дарров етиб келади”, дейди у.

37 йилдирки, ўз қасби ортидан кадр топиб келаётган Кенгашбай Жабборовни ишхонасида, “Мустакиллик” овул фукаролар йигини худудидаги ветучасткада ҳамкасби, шаҳар ветучастка мудири Исломбек Рейимбетов билан учратдик. Устозу шогирдлар сунъий уруғлантириш самарадорлиги ҳақида сұхбатлашадиган экан. Махсед оға Ережепов мутахассисларга топширик берди, кунлик ишни узлуксиз ёзид бориш, хонадон эгаларига чорвани касалликка чалинтирмасдан парваришилаш бўйича зарурий маслаҳатлар бериш лозимлигини тайинлади. Дарвоке, ветврачларнинг эътироф этишича, Ережепов бошлиқ бўлгач, ишхонадаги вазият тубдан ўзгарган, илгари бинода иссиқлик тизими йўқ эди, велосипедлару керакли асбоб-ускуналар етишмасди. Янги бошлиқ бу муаммоларни маҳаллий ғазнадан пул ундириб бартараф





этди. Шу боис ветучастка мудирлари бошлиқнинг барча топширикларини сўзсиз уддалашга интилмоқда.

– Биз, шуманайлик ветврачлар Баҳром Тўраевичдан беҳад миннатдормиз. Шу гапимни журналга катта ҳарфлар билан ёзинг, илтимос. Чунки раисимиз ўтган йил 8 март куни “Дамас” автомашинасини бердилар. Шунингдек, узунлиги 12 метрлик контейнерни жихозлатиб, ВСЭЛ сифатида дехқон бозорига ўрнатдик. Бу ҳам қўмита раисининг тухфаси. Айни чоғда туманимиздаги 8100 та хонадондаги барча уй ҳайвонларию жонзоротлар тўлиқ ҳатловдан ўtkазилиб, уларнинг саломатлиги назоратга олинган. З та ветучастка мудирлари ўнлаб мутахассисларимиз туну кун эл хизматида. 21 та чорвачилик билан шуғуланаётган фермерлар билан ҳам узвий алоқадамиз. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, ўтган йил хориждан 177 бош насли гунажинлар олиб келинди. Насиб этса, жорий йилда бу ракамлар янада ошади, – дейди **Шуманай туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Саида Воисова**.

– Баҳром Тўраевич бизни ҳар томонлама қўллаб-куватлаб тургани учун ҳам ишлаш янада завқли, ютукли бўлмоқда. Ветеринария том маънода шарафли касбга айланиб улгурди.

Суҳбат асносида билдикки, ёш бўлсада, Саиданинг бошидан кўп ташвишлар ўтган, у ота-онадан эрта ажра-



либ қолган. Мана шу иш, ветврачлик масъулияти уни ғам -ташвишлардан узоқлаштириди. Саида бутун дикқатини ишхонасини янада яхшилашга каратди, ҳовлини гулларга буркади, мутахассисларни ўз устида ишлашга, билимини оширишга одатлантириди. Ва яна илмий нашрлар тахламини сонма-сон йигиб бориш, муттасил ўрганиш тизимини йўлга қўйди. Қолаверса, Воисованинг акаси Руллан оға ҳам опасининг кизи Айзада ҳам ветврач, шу йил Во-

исовалардан яна икки нафари Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетига ветврач бўлиш учун ўқишига кирмоқчи. Чунки Саиданинг бошлиқ бўлгани, ундаги гайрату шижоат уларга илҳом берган.

– Сиз кўриб турган мана бу мотоциклларнинг эгаси саналган Баҳодир Жабборбергенов, Махсест Генжабаев, Фарҳад Уббиниязов ва Рашид Мирзамуратовлардан



сўранг, техникини кимдан олгану қандай натижা беряпти. Албатта улар Баҳром Тўраевичга раҳмат айтишади. Чунки уларга раисимизнинг ўзлари аниқ манзилу исми билан бу техникини совға сифатида берди ва бу темир тулпорлар эгасига садоқат билан хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, офарин! Биз бундай эътибору хурматга сидқидилдан меҳнат килиш, муаммога ўрин колдирмаслик орқали жавоб беришга интилмоқдамиз, – дейди Саида Воисова.

Қонликўл ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимида бўлганимизда, бу нафар мутахассисни расмга олдик. Исломбой Ибрагимов, Азамат Бекбўсинов, Баҳром Сейитмуровдов, Садатдин Умурзоков, Тенгилбай Карабасов ва Нураддин Пазилбеков. Улар турли лавозимда ишласа-да, мақсади битта, ветеринария тадбирларини бекаму кўст бажариш, шу орқали эл фарононлигини таъминлаш.



— Яхши ветврач учун тун хам кун хам бир хил, қўнгироқ бўлдими, бас, манзилни биласизу бораверасиз. Албатта йўл-йўлакай жониворнинг ҳолатини сўраб, билиб оласиз. Яратганга шукрки, шу кунгача одамлардан ёмон гап эшитганим йўқ, доимо раҳмат айтишади, – дейди “Жанақалъя” ветучастка мудири Азамат Бекбўсинов.

– Мабодо касалликка аниқ ташхис қўйишда иккилансам, ҳамкасларга қўнгироқ қиласман, вазиятни айтаман ё телеграммдан жониворнинг ҳолатини видеога олиб ташлайман. Дарров “концелюм” бошланади ва биз муаммога жавоб топамиз. Чунки жамоамиз ахил-да.

Конлиқўл ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Даврон Худойбергенов билан 114 бош наслии қорамоллар бокилаётган фермада бўлдик. “Шаҳноза Конлиқўл” фермер хўжалиги иш бошқарувчиси Одамбой Шеровнинг айтишича, ишлайман деган киши дунёнинг у чеккасидан ризқ излаб юриши шарт эмас, оиласига яқин бўлган далада ҳам мўмайгина даромад қиласа бўлади.

Масалан, бу йил фермер 45 гектар ерда дон этиштирипти, 100 гектарда эса пахта. Маҳсулотни Президент айтганидек, биржа орқали сотса, ер эгаси меҳнатига яраша манфаат топади. Чорвачилик ҳам шундай. Фақат мол эгаси рўшнолик кўраман, зарардан қочаман деса ё ўзи ё яқин дўсти ветврач бўлиши керак. Ана шунда чорвачиликни деҳқончилик билан уйғунлаштирган ҳолда маҳсулот таннархини кескин камайтириш мумкин. Хўжаликда 15 киши доимий иш билан банд, уларнинг барчаси меҳнатига яраша ҳақ оляпти ва бирор киши нолигани йўқ.

Очқўзлик ва хасисликдан худо асрасин. Одамни абор киладиган ҳам, ёмонликка бошлайдиган ҳам ўша иллатлар. Ялқовлик қилган эса ўзини хор қиласи. Яхшики, жамоамизда ёмоннинг ўзи йўқ, чунки биз дангасалар билан дўст эмасмиз. Чорва бокишга киришиш орқали биз маҳаллий ўғит тайёрлаш, уни далага чиқариш орқали тупроқни бойитишга эришяпмиз. Бунинг хосиятини таърифлашга хожат йўқ, – дейди Одамбой оға.

Кейинги йилларда янги бир қиёфа касб этаётган **Қўнгиrot туманида Қодирбой оға Матякубовни** кўпчилик хурмат билан тилга олади. У турли лавозимларда меҳнат килган, катта бир хўжаликка раҳбарлик

ҳам қилган, аммо ҳеч кимнинг бурнини конатмаган, аксинча ўшу қарига бирдек кўмаклашган. Ўнлаб ўшларни илм олишга, институтларда ўқишига руҳлантирган. Ана шу билимдон ветврач бугун туман ветеринария ва чорвачиликни ривож-



лантириш бўлими раҳбари сифатида катта ниятлар билан яшяпти. Гап шундаки, Қодирбой оға туман ҳокимининг эътиборини 7 та ветучасткалар учун бино куриш муаммосига қаратди. Ҳоким тантлиик билан ҳар бир ветучастка қурилишига 126 миллион сўмдан пул берадиган бўлди. Албатта, халқ депутатлари туман кенгаши ҳам бу фикрни кўллаб-куватлаши керак. Қодирбой оға сўзи ерда қолмаслигидан умидвор. Чунки чорва ер майдони жуда катта бўлган Кўнгиrotда гарчи йирик саноат корхоналари кўп бўлса-да, марказдан олисада жойлашган огуллардаги одамларнинг суюнчи чорва, уни даволаш, кўпайтириш эса энг муҳим масала. Ана шундай вазиятда депутатлар ветеринария эҳтиёжи учун “хўп” дейиши тайин. Дарвоқе, Қодирбой оға билан “Адебият” ветучасткасида бўлиб, 12 метрлик контейнерни кўрдик. 66 миллион сўмга бунёд этилган бу ишхонада барча шарт-шароит бор. Қойил! Ветучастка мудири Нурпес Дербисалиев лотореясига ютуқ чиққандек жилмайиб қўйди, сезидики, бу ишхона унга совға бўлган. Биз унга омад тиладик. Ахир Кўнгиrotда, жазира машина ёз бошланаб келаётган кунларда бу ерда ишлаш осон эмас.

Дарвоқе, сиз тасвирда кўриб турган Баҳт Аманбаева, Олтиной Жумамуродова, Гулзода Жамолова, Ойшагул Ташабаева, Аруҳан Мамбеткаримовалар 35-40 йилдирки, ташхис марказида меҳнат қилишади. Қодирбой оғанинг сўзларига қараганда, бу аёллар том маънода олтин фонд, Кўнгиrot ветеринариясинынг юраги.

– Ёш мутахассислар малакасини оширишда мана шу аёлларнинг хизмати катта. Шу боис уларнинг рас-



мини журналда беринг, кўнгли тоғдек ўсади, – дейди Қодирбой оға Матякубов. – Афсуски, туман худуди жуда катта бўлса-да, бор-йўги 9 та ветучасткамиз бор, штатимиз эса 14 та. Кўшимича иш ўрни молия идораси билан боғлиқ. Хат билан мурожаат килипмиз, туманнынг у ёғи билан бу ёғи 300 километрдан ошик, улгурмаяпмиз, дедик. Ҳозирча бу кемтик ечимини топмаяпти. Агар муаммо ечилса, чорва сони муттасил кўпайиб бораётган Қўнгиротда ветеринарияning ютуқлари янада ошади.

Шу йил 60 баҳорни қаршилаган мўйноқлик тажрибали ветврач **Нурлибой Нуримбетовнинг маликаси ҳам ветврач**. Ўғли ҳам келини ҳам шу соҳага меҳр қўйган. Оғанинг ўзи эса мана ўн йилдирки, туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимига бошлиқ. Шу йиллар ичida Нурлибой оға раҳбарлигида туман марказидаги ветбўлимнинг қўшимича бинолари курилди, янги асбоб-ускуналар харид килинди. Айни чоғда 20 нафар мўйноқлик ёшлар ветврач бўлиш орзусида институтда ўқияпти. Ҳар гал талабалар амалиётга келса, Нурлибой оға, “бизни уялтирманг, вақтни беҳуда совурманг, яхши ўқинг, бизга чаласавод одамлар эмас, ҳакиқий ветврачлар



керак, уқдингизми”, дей ёшларни тергаб, саволга тутади. Талабаларни тажрибали ва зукко мутахассисларга шогирдликка беришни ҳам унутмайди. Амалиёт жараёнини ўзи назорат қиласди ҳам. Мухими, Нурлибой оға етакчилик қилаётган жамоада меҳнат қилаётган бирор киши йўқки, ўз касбига меҳр қўймаган бўлсин. Мурод Ержанов, Мўйнақбай Низаматинов, Айтимурад Тажимуратов, Замира Сметова, Гулмира Пирназарова, Сабира Дуйсенова, Баҳодир Боймуродов, Одилбой Сайдуллаевнинг ҳар бири ўзини Нурлибой оғанинг шогирди деб билади ва шу жамоада ишлаётганидан мамнун.

Эътироф этиш лозимки, кейинги қисқа давр ичida Мўйноқнинг қиёфаси буткул ўзгарди. Янги бинолар, музейлар, истироҳат боғлари, ўйингоҳлар, мактабу болалар боғчалари, ўкув марказлари пайдо бўлди. Мўйноқ том маънода қайтадан бунёд этилди.

– Бу бекиёс ўзгаришлару имкониятлар учун Президентимизга мингдан-минг раҳмат, – дейди Нурлибой оға. – Бундан роппа роса 60 йил илгари биз Орол ден-

гизида чўмилганмиз, балиқ овлаганмиз, рўзгоримиз шу сув, шу денгиз орқали обод эди. Сўнг Орол бизни ташлаб кетди, Мўйноқнинг дунёга машхур консерва заводи ҳам, кемаларию қайиклари ҳам биздан узоқлашиди. Сув қочгач, Мўйноқнинг шундоққина бикинида кемалар қабристони пайдо бўлди. Оби-ҳаёт йиллар ўтиб биздан юзлаб километрга узоқлашиб кетди. Юракни эзадиган



ҳолат шу бўлдики, бу фожеа бизнинг қўз ўнгимизда юз берди ва ҳеч нарса қилолмадиқ. Шавкат Миромонович Президент бўлгач, элимиз жонига оро кирдилар, Мўйноқ гўё қайтадан тирилди, давлат ўз куч қудратини шу ерда кўрсатди ва ҳаёт жонланди. Биз мўйноқлар шу боис давлат раҳбарининг чексиз мухаббатидан миннатдормиз. Насиб этса, келгусида чорвачилик тармоклари ҳам янада ривож топади. Бу борада ҳам Мўйноқда катта ютукларга эришилади. Туманимизда ветеринария бўйича ташхис маркази очилса, янги асбоб-ускуналар берилса, мутахассисларимизнинг олис овулларга боришлари учун транспортлар харид қиласак, дейман. Бугун ана шундай орзулар билан яшаемиз, – дейди Нурлибой оға биз билан хайрлашаркан.

Абдунаби Алиқулов,
журналист



BUZOQLAR DISPEPSIYASIDA ICHAKLARNING BAKTERIAL KO'RSATKICHLARI

Аннотация

В статье приведены данные об условно-патогенных микроорганизмах (эшерихии, стафилококков, стрептококков, сальмонелл, синегнойной палочки) в кишечнике здоровых и больных диспепсиею телят.

Ключевые слова: диспепсия, эшерихии, стафилококков, стрептококков, сальмонелл, синегнойной палочки, дисбактериоз, микробиоценоз, пробиотик.

Mualliflar ma'lumotiga ko'ra, hayvonlar va parrandalar organizmida normal yoki doimiy saprofit mikrofloraniнg mavjudligi sababli ma'lum ichak biotsenozi hosil bo'ladi. Biroq hayot davomida ayrim sabablar tufayli hayvonlarning ichaklariga patogen mikroblar ham tushib qolishi mumkin bu esa ichak mikrobiosenozining buzilishiga olib keladi [5]. Oshqozon ichak trakti nafaqat ovqat hazm qilish organlari, balki immunitetni ta'minlashda muhim ahamiyatga ega. Ichak mikroflorasi organizm uchun juda muhim vazifalarni bajaradi, jumladan himoya, fermentativ, vitaminlar sintezi va mikroelementlar almashinuvida ishtirot etadi.

Ayrim omillar natijasida ichaklar mikroflorasining faoliyati buzilishi mumkin. Bunday paytlarda ichak tizimida shartli patogen mikroflora: escherichia coli, salmonella, stafilokokk, streptokokk, ko'k yiring tayoqchasi va boshqalar soni oshadi. Bularning barchasi immunitetning kuchsizlanishi, natijada ichakdag'i "foydali" va "patogen xususiyatlari" bakteriyalar orasidagi muvozanatning buzilishiga olib keladi [3].

Oddiy mikrobiosennoz bir-birining hayotiy faoliyatiga ta'sir qiluvchi va xo'jayin organizmi bilan doimiy aloqada bo'lgan mikroorganizmlarning murakkab birlashmasidir. Disbakterioz bu – ichak mikroflorasi tarkibi va oshqozon ichak funksiyasining buzilishi hisobiga rivojlanadigan patologik jarayondir.

Tadqiqotning maqsadi. Dispensiya bilan kasallangan va sog'lom buzoqlarning ichak mikrobial ko'rinishini qiyosiy baholash.

Tadqiqotlar ob'yekti va uslubiyatlar. Tajribalar kuzqish fasllarida Samarqand viloyati Kattaqo'rg'on tumani "Akbarshoh Shavkat" qoramolchilik fermer xo'jaligida "Qizil eston" zotiga mansub 2-8 kunlik buzoqlarda o'xshash juftliklar tamoyili asosida har birida 3 boshdan yangi tug'ilgan buzoqlar bo'lgan 3 ta guruhsda o'tkazildi. 1-guruh nazorat guruhi bo'lib, sog'lom buzoqlardan, 2-tajriba guruhi antibiotik bilan davolanmayotgan, dispensiya bilan kasallangan 2-3 kunlik buzoqlardan va 3-guruh antibiotik bilan davolanayotgan, dispensiya bilan kasallangan buzoqlardan tashkil topgan. Buzoqlarni antibiotik bilan davolash kasallik kechishiga qarab 4-5 kunni tashkil etdi. Bunda "Makrolan 200" antibakterial preparati yo'riqnomasiga asosan 1ml 20 kg tana vazni hisobiga muskul

Abstract

In this article, conditionally pathogenic microorganism (*Escherichia coli*, *staphylococci*, *streptococci*, *Salmonellas*, *Pseudomonas aeruginosa*) in the intestines of healthy and dyspeptic calves was studied, their level was identified and compared.

orasiga inyeksiya qilindi. Organizm suvsizlanishining oldini olish maqsadida 2- va 3-guruhdagi buzoqlarga tarkibi natriy xlorid-3.5 g, kalyi xlorid-2.5 g, natriy sitrat-2.9 g, glyukoza-10 g dan tashkil topgan "Regidratsion tuz" kunkunini yo'riqnomasiga asosan 1 paketchasini 1 l qaynatilib sovutilgan suvda eritib tayyorlanib har soatda 10 ml/kg miqdorda har bir buzoqqa ichirib chiqildi. Har bir guruhdagi buzoqlar to'g'ri ichagidan bakteriologik tekshirish uchun sanitariya qoidalariga riosa qilingan holda, steril idishlarga tezak namunalari olindi.

Buzoqlardan olingan tezak namunalarini tekshirish SamVMI "Epizootobiya, mikrobiologiya va virusologiya" kafedrasи laboratoriyasida o'tkazildi. Tezak namunasida esherixiyalarni aniqlash uchun "Hayvonlarning kolibakterioz (esherixioz)ini bakteriologik diagnostikasi bo'yicha uslubiy qo'llanma" dan [4; 209-2018 b.] foydalandik. Buzoqlar tezagida streptokokklar va stafilokokklarni aniqlashda biz "Hayvonlar streptokokkozining laborator diagnostikasi bo'yicha uslubiy qo'llanma" dan [4; 224-228 b.] va "Hayvonlar stafilokokkozining laborator diagnostikasi bo'yicha uslubiy qo'llanma" dan [6; 527-530 b.] foydalandik. Buzoqlardan olingan tezak namunalarida salmonellalar mavjudligini "Odam va hayvonlar salmonelyozining laborator diagnostikasi va yem-xashak, oziq-ovqat va atrof-muhit obyektlarida salmonellalarni aniqlash" bo'yicha uslubiy ko'rsatmasiga asosan tekshirdik. Buzoqlar tezak namunalarida ko'k yiring tayoqchalari mavjudligini "Hayvonlar va parrandalarda psevdomonozni laborator diagnostikasi" [4; 235-237 b.] bo'yicha uslubiy ko'rsatmalarga asoslanib tekshirdik.

Olingan natijalar. 1-guruhdagi sog'lom buzoqlardan olingan tezak namunasining tahlil natijalarida buzoqlar hayotining birinchi kunlarida asosan enterobakteriyalar, enterokoklar va boshqa aerob mikroorganizmlar borligi aniqlandi. 2-guruhdagi 2-3 kunlik dispensiya bilan kasallangan buzoqlardan antibiotik bilan davolashdan oldin tezak namunalari 1 marotaba olindi. 3-guruhdagi 4 kunlik dispensiya bilan kasallangan buzoqlardan esa, antibiotik bilan davolashdan keyin, diareya belgilari yo'qolgach 1 marotaba tezak namunalari olindi. Tadqiqotlar natijasi shuni ko'rsatdiki, barcha guruhlardagi buzoqlardan olingan tezak namunalarida salmonellalar va ko'k yiring tayoqchalari topilmadi. Aksincha, barcha guruhlardagi

	1-nazorat guruhi	1-tajriba guruhi	1-tajriba guruhi
Escherichia coli	$1,2 \pm 0,6 \cdot 10^8$ KOE	$4,2 \pm 0,2 \cdot 10^8$ KOE	$1,6 \pm 0,7 \cdot 10^8$ KOE
Staphylokokk	-	++	+
Streptokokk	-	++	+
Salmonella	-	-	-
Ko'k yiring tayyoqchasi	-	-	-
Eslatma	<p>“KOE” – muhitning bakterial ifoslanshisi ko’rsatkichining darajasi. “++” - ozuqa muhitidagi koloniyalarning kuchli darajada o’sishi. “+” - koloniyalarning o’rtacha darajada o’sishi. “-” - o’sishi kuzatilmasligi.</p>		

buzoqlar tezagi tarkibida escherichia colining patogen bo‘limgan shtammlari topildi. 1- guruh ya’ni sog‘lom buzoqlarda e.coli 1 g tezak tarkibida $1.2 \pm 0.6 \times 10^8$ ni tashkil etdi. 2- guruh ya’ni antibiotik bilan davolashgacha bo‘lgan dispepsiya bilan kasallangan buzoqlardan olingan 1 g tezak namunasi tarkibida e.colilar miqdori $4.2 \pm 0.2 \times 10^8$ ni tashkil etdi. Ushbu guruhdagi buzoqlarda koloniya hosil qiluvchi e.colilar miqdorining ko‘payishi bizning fikrimizcha, buzoqlarni oziqlantirish me’yorlarining buzilishi tufayli ichakning mikrobial ko‘rinishi o‘zgarishi bilan bog‘liq. Bunda ichaklarning pH muhiti 6.2 ± 0.24 ga o‘zgarib disbakterioz rivojlanishiga sabab bo‘lgan. Ushbu guruhdagi bir buzoqda ichak tayoqchasining patogen shtammi borligi aniqlandi, bu esa dispepsiyaning boshlanishiga bakterial omil sababchiligini ko‘rsatadi. 3- guruh ya’ni antibiotik bilan davolanayotgan dispepsiya bilan kasallangan buzoqlardan olingan 1 g tezak namunalari tarkibida e.colilar miqdori $1.6 \pm 0.7 \times 10^8$ ni tashkil etdi. Ushbu guruhdagi e.colilarning miqdori oldingi guruhga nisbatan pasayishi, ichak mikroflorasiga antibiotiklarning bakteriostatik ta’siri bilan bog‘liq.

Sog‘lom buzoqlardan olingan tezak namunarini ozuqa muhitlari ekib tekshirganda, streptokokklarning o’sishi kuzatilmadi. Aksincha, 2-tajriba guruhidagi antibiotik bilan davolanmayotgan, dispepsiya bilan kasallangan buzoqlardan olingan tezak namunasini tekshirganimizda, xarakterli streptokok koloniyalarning doimiy o’sishini kuzatdik. Bizning fikrimizcha, bu yangi tug‘ilgan buzoqlarni oziqlantirish va parvarishlash qoidalarining buzilishidan kelib chiqib, ichakning disbiotik holatiga olib keladi. Antibiotik bilan davolash davridagi (3- guruh) buzoqlardan olingan tezak namunalarini ozuqa muhitiga ekib, tekshirib ko‘rganimizda, streptokok koloniyalari oldingi guruhga nisbatan sezilarli darajada kamayganligi aniqlandi va ayrim buzoqlarda bu bakteriyalarning o’sishi umuman kuzatilmadi. Buning sababi, davolashda antibiotikdan foydalanganlik va uning bakteriostatik ta’siri bilan bog‘liq.

Buzoqlarning tezak namunalarini stafilokokklarga nisbatan tekshirganimizda, sog‘lom buzoqlardan (1- guruh) olingan tezak namunalarini glyukoza-qonli-agarga ekib tekshirganimizda xarakterli koloniylar o‘smaganligini kuzatdik. Antibiotik bilan davolashgacha bo‘lgan, ikkinchi guruhdagi dispepsiya bilan kasallangan buzoqlardan olinib, ozuqa muhitiga ekilgan tezak namunalaridan esa

stafilokokklarning xarakterli o‘sishini kuzatdik. Bu yana ichak disbakteriozi bilan bog‘liq. Antibiotik bilan davolayotgan 3- guruh buzoqlaridan olingan tezak namunalarini ozuqa muhitiga ekib, tekshirganimizda, ushbu turdagilarning o‘smaganligini kuzatdik. Bularning bar-chasi davolashda ishlataligan antibiotikning ichak mikroflorasiga ta’siri natijasi hisoblanadi.

Xulosa. 1. Sog‘lom va dispepsiya bilan kasallangan buzoqlar ichagidagi mikroflora tarkibi va turi bir xil emas. Barcha guruhlardagi buzoqlar tezagi tarkibida escherichia colining patogen bo‘limgan shtammlari topildi. Sog‘lom buzoqlarda staphylokokklar, streptokokklar borligi kuzatilmadi. Tajriba guruhlaridagi buzoqlar tezagi tarkibida staphylokokklar, streptokokklar borligi kuzatildi.

2. Dispepsiya bilan kasallangan buzoqlarda disbakterioz rivojlanib, ichagida shartli patogen mikroorganizmlar (escherichia coli, stafilokokk, streptokokk) sonining $4.2 \pm 0.2 \times 10^8$ gacha ko‘payishi bilan xarakterlandi.

3. Buzoqlar dispepsiyanini davolashda “Makrolan 200” preparatini qo‘llash davolashning 2-kunidan boshlab shartli patogen mikroorganizmlar soni $4.2 \pm 0.2 \times 10^8$ dan $1.6 \pm 0.7 \times 10^8$ gacha kamayishini ta’minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

- Norboyev Q.N., Bakirov B.B., Eshburiyev B.M. “Yosh hayvonlar yuqumsiz kasalliklarining patologiyasi va terapiyasi”. Samarqand, 2006. –B. 71-76.
- Sh.R.Aliyev, I.M.Muhamedov, Z.A.Nuruzova, Sh.A.Xo‘jaeva, A.M.Davurov, F.X.Rasulov “Mikrobiologiyadan laboratoriya mashg‘ulotlariga doir qo‘llanma” Toshkent “Yangi asr avlod” 2013. –B. 22-34.
- Афанасьев В.А., Эленшлегер А.А. «Влияние препарата «Ветом 2» на микробный пейзаж кишечника телят после антибиотикотерапии» Вестник АГАУ 2017. №2(148). -С. 126-132.
- Б.И. Антонова «Справочник. Лабораторное исследования в ветеринарии. Бактериальные инфекции» Москва Агропромиздат 1986. –С. 209-237.
- Бакулина Л.Ф., Тимофеев И.В., Перминова Н.Г., Полушкина А.Ф., Печоркина Н.И. «Пробиотики на основе спорообразующих микроорганизмов рода Bacillus и их использование в ветеринарии» Биотехнология. -2001. №2. –С. 48-56.
- З.Н. Барановской А.Э. Высоцков «Справочник по бактериологическим методам исследований в ветеринарии» -С. 527-230.
- https://mymedic.uz/kasalliklar/gastroenterologiya/ichak-disbakterioz/
- https://lactofiltrum.uz/oz/articles/disbakterioz/
- https://files.stroyinf.ru/Index2/1/4293737/4293737720.htm
- https://cyberleninka.ru/article/n/mikrobnny-peyzazh

СМЕШАННОЕ ТЕЧЕНИЕ ПНЕВМОЭНТЕРИТОВ ОВЕЦ ЗАРАЗНОЙ ЭТИОЛОГИИ

Аннотация

В статье приведены данные ассоциированного течения адено-вирусоза и хабертиоза овец в овцеводческих хозяйствах Республики Беларусь. Установлены влияние сезонов года, этиологические причины, этапы инфицирования, симптоматика, патоморфологические и гистологические изменения внутренних органов. Ключевые слова: вирусы, гельминты, адено-вирусозы, хабертиоз, этиология, клиника, патоморфология, гистология, диагностика, овцы и ягнята.

Ключевые слова: пневмоэнтерит, этиологии, эпизоотологии, патоморфология, адено-вирусная инфекция, диагностика, инфекция.

Введение. Согласно намеченных задач правительством Республики Беларусь в 2013 году (№ 202 от 20.03.2013г) была принята Государственная программа «О развитии овцеводства», в последующем 2019 году дополнительно принято постановление «Комплекс мер по развитию овцеводства в Республике Беларусь на 2019-2025 годы» № 268 от 30.04.2019 года, что является составной частью плана развития животноводства [13.18.].

Основной целью этой программы является повышение эффективности и конкурентоспособности овцеводческой продукции на основе более полного использования потенциала шерстной и мясной продуктивности, сохранения и улучшения имеющихся пород, адаптированных к местным природным и технологическим условиям, улучшение социального положения работников отрасли, создание новых рабочих мест в сельской местности[3.4.26.].

Однако широкое распространение респираторных болезней смешанной этиологии среди овец привело к большим экономическим потерям. Отдельные инфекционные болезни, как адено-вирусная инфекция овец составляют потенциальную угрозу здоровью человека и животных.

Положение усугубляется тем, что в племенных, фермерских овцеводческих хозяйствах и сельхозкооперативах очень часто выступают ассоциации заразных болезней. Комплектование комплексов и ферм, завозимыми овцами из других регионов и хозяйств способствует увеличению видового состава возбудителей инфекционных болезней: вирусов, бактерий и гельминтов и др. Болезнь в таких

Annotation

The article presents data on the associated course of sheep adenovirosis and chabertiosis on the sheep farms of the Republic of Belarus. The influence of seasons, etiological causes, stages of infection, symptoms, pathomorphological and histological changes in internal organs were found. Key words: viruses, helminths, adenoviroses, chabertiosis, etiology, clinical findings, pathomorphology, histology, diagnosis, sheep and lambs.

случаях носит форму острого течения смешанных инфекций. Традиционные методы диагностики, лечения и профилактики заболеваний и меры борьбы с ними становятся мало эффективными [2.5.6.11.14.15.18.27.].

Поэтому изучение адено-вирусной инфекции и хабертиоза мелкого рогатого скота, выяснение этиологии, разработка более эффективных методов диагностики, лечения и профилактики становятся актуальными[1.2.4.19.23.24.27.28.].

Цель и задачи исследований. Изучить этиологические причины массового распространения адено-вирусоза и хабертиоза овец и ягнят в овцеводческих хозяйствах республики и выяснить их степень патогенности.

Материалы и методы исследований. Работа выполнена в клиниках кафедр зоологии, паразитологии, эпизоотологии, в прозектории кафедры патоморфологии и гистологии, в лаборатории научно-исследовательского института прикладной ветеринарной медицины и биотехнологии (НИИ ПВМ и Б), в серологическом и паразитологическом отделах Витебской областной ветеринарной лаборатории, использованы данные Республиканского центра по гидрометеорологии, контролю радиоактивного загрязнения и мониторингу окружающей среды, лаборатории ВСЭ на рынках г. Витебск, отделов производственно-ветеринарного контроля (ОПВК) Витебского мясокомбината. В осенне-весенний периоды эксперименты проводили в условиях фермерского хозяйства «Сеньково» Витебской области. Лабораторные опыты проводили на 20 мышах, 12 ягнятах с разбивкой

опыта на III- группы; I-я группа – «аденовирусная инфекция», II-я группа – «хабертиоз», III-я группа «контрольная». В каждой группе под наблюдением находились по 4 ягнят в возрасте от 2-х до 3-х месяцев. Подбирали в I-группу ягнят с острыми респираторными вирусными инфекциями, во II – группу ягнят с расстройствами желудочно-кишечного тракта (поносами) и III-группу контроля подбирали здоровых ягнят[9.11.13.18.19.21.24.25.26.27.].


Методы исследований: эпизоотологический, клинический, серологический, патологоанатомический, гистологический.

Эпизоотологическое исследование проводили изучением биосферы местности, где содержались животные, изучением специфической особенности эпизоотической ситуации, влияние биологических, природно-климатических и организационно-хозяйственных факторов с выснением заболеваемости, сезонности, периодичности, инцидентности, превалентности, очаговости и летальности животных[4.11.15.18.24.27.28.].

Клиническое наблюдение подопытных животных проходили в клинике кафедры на 1,2,3,4,5,7,10,12,15,21,30,40,60,90,120 день с измерением пульса, дыхания, температуры тела, взятием носовых смывов и фекалия у ягнят, ежедневным трехразовым их осмотром. Изучали данные лабораторных исследований патологических материалов, сывороток крови и биохимическое исследование [5.16.19.26.27.30.]. Состояния у ягнят оценивали с изучением измерения количества эритроцитов, лейкоцитов, лимфоцитов у здоровых и больных ягнят, изучением состояния Т- и В-лимфоцитов и уровня образования титров антител в парных сыворотках крови животных.

Серологическая диагностика парных сывороток крови проходило с проведением реакций РСК, РДП в агаровом геле, РН, РГА, РНГА и ИФА. Реакцию на адено-вирусную инфекцию ставили с применением эритроцитарного диагностикума для серологической диагностики адено-вирузов крупного и мелкого рогатого скота в РНГА выпускаемой Покровским заводом биопрепаратов и использованием микротитратора «Титртек». Дифференциацию проводили от парагрипп 3, РС инфекции, контагиозной экзитмы овец и др.[9.13.18.21.29.].

Для гельминтологического исследования, отобранные пробы фекалий путем последовательного промывания исследовались по методами Дарлинга, Щербовича, Берману-Орлову, Вайда и Фюллеборна. Материалы для копроскопического и лявроскопического метода отбирались индивидуально из пря-



мой кишечника или с верхней части свежевыделенной порции фекалий для исследования. Также диагноз устанавливали методом полного и неполного гельминтологического вскрытия кишечника у ягнят. Для достоверного анализа и диагностики хабертиоза применили метод диагностики строгилятозов по инвазионным личинкам. Подлежащие к исследованию фекалии помещали в стеклянный сосуд, в стакан или в стеклянную банку и выдерживали в термостате до 10 дней при температуре до 30°C при ежедневном увлажнении. По истечении срока исследование проводили по методу Бермана[18.27.].

Патоморфологическое вскрытие павших животных и внутренних органов проходило в прозектории ветеринарно-медицинской академии, парафиновые гистологические срезы готовили на оборудовании «Микром» Германия. Полученные материалы фиксировали в житкости Карнума [9.21.23.25.32.].

Результаты исследований. По результатам эпизоотологических исследований установлено, что в фермерском хозяйстве «Сеньково» Витебской области содержалось около 100 голов овец и ягнят, которые в одно время (весной, осенью) болели респираторными вирусными инфекциями и гельминтозами, особенно парагрипп 3 и адено-вирусная инфекцией, а также гельминтами (диктио-каулез, буностомоз и хабертиоз)[11.27.]. Они протекали в виде моноинфекции, так и в ассоциации вирусными и бактериальными инфекциями (пастереллез). Носителем инфекций являлись овцематки. Болезни неоднократно диагностировались в ветеринарной лаборатории Витебской области. Заболеваемость овец и ягнят проходили сезонно в зимне-весенние периоды и глубокой осенью. По нашим наблюдением установлено, что новорожденные ягнята инфицировались первый раз - в возрасте до 3-х месяцев в период подсоса овцематок, в сырых помещениях и загонах, также при облизывании стен, полов, под-

стилок, перегородок, щитов, кормушек, водопоилок, чанов, и резервуаров. Причинами являлись жажда, анемия,avitaminоз, недостаток в тканях макро- и микроэлементов, нарушение функции органов дыхания и секреторно-моторной функции пищеварительного канала, в результате возникало диарея [27.]. Второй раз – повторное инфицирование проходило у ягнят весною в 5- 6 месячном возрасте в группах сакман, также в период выгона овец и ягнят на весенние пастбища. Заражение происходило после проглатывания зараженных почв, зеленых трав и воды в отстойниках, болотах, лужах и жижесборниках. Клиническое течение у больных ягнят проходило более хронической, осложненной форме. Диарея у больных ягнят усиливалась, фекалии жидкие, светло-синего цвета, специфическим запахом. Также на расстоянии часто наблюдались загрязненность шерстного покрова в области таза-бедренного сустава, хвоста и вокруг анального отверстия фекалиями от профузного поноса. Больные ягнята отставали в росте, наступало истощение, были малоподвижными и передвигались последними [18.]. Третий раз ягнята инфицировались повторно летом, осенью на неблагополучных пастбищах и осложненное течение проходило глубокой осенью и зимою. Распространению вирусам и гельминтам (хабертиоз) способствовало частые осадки, богатое разнотравье и скученное содержание овец и ягнят на ограниченных пастбищах. Так в почве, траве, соломе, сене, в кустарниках возбудители сохраняют жизнеспособность до 9-10 месячного возраста. Овцы и ягнята инфицировались вирусами через органы дыхания при тесном контакте и гельминтами через органы пищеварения заглатывая инвазионных личинок вместе с травой, водой и другими кормами[18.27.]..

По результатам мы убедились, что ягнята в двух группах (I - II)начали болеть острыми респираторными вирусными инфекциями, особенно аденоизом на 7 день с продолжительностью до 14 дней. По итогам серологических исследований парных сывороток крови титры на аденоизовирусную инфекцию были установлены в реакции РНГА, в соотношении 1:64. Аналогичная картина наблюдалась и 2-й группе опыта на два дня позже с теми же титрами антител. У ягнят диарея в обоих группах началась на 15 день с продолжением до 24 день с выделением жидких фекалий и слюнотечение. Диагноз установлен путем выделения личинок хабертиоза методом «Фюллеборна». У ягнят двух группах, наблюдались слезотечение, слюнотечение из носо-

вой и ротовой полостей, постоянное чихание, повышение температуры тела, диарея, дисбактериоз, затрудненное дыхание, кашель, учащенный пульс, отсутствие аппетита, исхудание, жажда, впадение голодной ямки, шерсть тусклая, легко выпадает, у 2-х ягнят с каждой группы опыта на 30 день наступило глубокое истощение, ягнята часто лежали и тяжело передвигались с места на место, акт же-вания отсутствовал. При инфицировании смешанными инфекциями (аденоизы, хабертиоз) были более глубокие осложнения и выраженные симпто-мы. Основными причинами заболеваемости ягнят являлись, миграция возбудителей инфекционных и инвазионных болезней в одном скотопомеще-нии, непосредственное инфицирование животных друг с другом. В то же время ягнята контрольной группы содержались в другом скотопомещении и были здоровы с хорошей упитанностью. В каж-дой группе «опыт» на 40 день пало по одному ягненку от истощения с диагнозами «хроническая бронхопневмония»,«хронический энтерит» и «хронический нефрит». У остальных ягнят болезнь охватило хроническую форму[18.23.25.31.].

При патологоанатомическом вскрытии двух трупов ягнят обнаружены изменение верхних дыхательных путей, легких, желудочно-кишечного тракта и почек. Упавшего ягненка первой группы патологическое изменение преобладало в органах дыхания, в последующем органах пищеварения и почек. Выявились катарально-гнойный конъюнктивит; ринит; очаговый ларингит; острый катарально-геморрагический ринит; очаговая или лябулярная, катарально-гнойная бронхопневмония; серозно-ги-перпластический лимфаденит бронхиальных, сре-достенных и брыжеечных лимфатических узлов; острая катаральная бронхопневмония с поражением верхушечных, средних долей с эмфизематорными участками в легких; венозная гиперемия и отек лег-ких; очаговый катаральный энтерит и абомазит; ве-нозная гиперемия, зернистая и жировая дистрофия печени и почек; зернистая дистрофия миокарда; се-розный лимфаденит нижнечелюстных и брыжееч-ных узлов; точечные кровоизлияния под эпикардом и в эндокарде, селезенка частично атрофирована. Нарушен секреторно-моторная функция пищевари-тельный тракта; диарея; дисбактериоз; в отдельных участках запоры; наблюдается катаральное или ка-тарально-фибринозное воспаление толстых и тон-ких кишок; обнаружен на слизистом оболочке тон-ких кишок специфических паразитарных гранулем; оболочки кишок местами утолщена с большими то-

чечными кровоизлияниями; мезентериальные лимфоузлы увеличены, дряблые и сочные при разрезе; стенка ободочной, а нередко прямой кишки студенисто инфильтрирована [9.16.17.18.21.24.26.27.33.].

При гистоисследовании патологического материала у двух павших ягнят были обнаружены бронхиолит и бронхит, гиперплазия и десквамация бронхиального эпителия, его слущивание и запукарка просвета бронхов некротическими массами. В легких вокруг мелких бронхов и кровеносных сосудов выявлялись лимфоидно - макрофагальные пролифераты, а альвеолярной ткани – катарально - интестициальная пневмония. Одновременно в гистиоцитах эпителия слизистой оболочки бронхов и трахеи обнаруживались внутриядерные включения[25.26.].

При исследовании в интерстициальной ткани почек обнаружили многочисленные фибробластные клетки с увеличенными ядрами, содержащими тельца-включения 3 типов:1)аморфные, имеющие неправильную форму, умеренно электронно-плотные;2) хорошо контурированные, гомогенные, умеренно электронно-плотные; 3) мелкие электронно-плотные. Они отсутствовали в клубочковом и канальцевом эпителии, а также эндотелии кровеносных сосудов органа. В почках также обнаружили многочисленные очаги гнойных интерстициальных инфильтратов. Некоторые канальцы содержали эозинофильный белковый материал, а их кортикальная часть содержала богатый нейтрофилами экссудат. Проксимимальные и дистальные части некоторых канальцев подвергались некрозу. В селезенке также выявляли некротические изменения, в синусоидах печени обнаружили клетки с внутриядерными тельцами-включениями[26.]. (продолжение статьи следует).

Заключение. Таким образом можно отметить, что аденоэозы и хабертиозы у ягнят при смешанном течении приводят к более глубокому поражению органов дыхания, пищеварительного тракта, печени, почек, и селезенки. У ягнят иммунитет не напряженный, инфицирование проходит несколькими этапами одними и теми же возбудителями инфекций. Течение протекает медленно, продолжительно и в результате увеличивается количества заболеваемости и падежа ягнят в несколько раз.

Литература. 1.Иммуностимулятор «МиксоФерон» в комплексе специфической профилактики вирусной геморрагической болезни кроликов / А. В. Голубцов [и др.] // Ветеринарная патология. – 2003. – № 1. – С. 109–111. 2. Инфекционная патология животных Т. I / ред. А. Я. Самуйленко [и др.]. –

- Москва : Академкнига, 2006.– 1911 с. 3. Караваев, Ю. Д. Методические рекомендации по лабораторной диагностике адено-вирусной инфекции крупного и мелкого рогатого скота / Ю. Д. Караваев, М. Н. Соколов, И. Дж. Мурзалиев. – Бишкек, 2004. – 12 с. 4. Мурзалиев, И. Дж. Распространенность адено-вирусной инфекции овец в Кыргызской Республике : монография / И. Дж. Мурзалиев. – Алтын Тамга, 2004. – 105 с. 5. Мурзалиев, И. Дж. Пневмовирусы овец и меры борьбы с ними / И. Дж. Мурзалиев // Вестник КНАУ. – 2004. – № 2. – С. 56–58. 6. Рекомендации по предупреждению и ликвидации пневмовирусов овец / И. Дж. Мурзалиев [и др.] ; ИВМБ. – Бишкек, 2004. – 16 с. 7. Мурзалиев, И. Дж. Рекомендации по применению интерферона против острых респираторных заболеваний ягнят вирусной этиологии / И. Дж. Мурзалиев ; ИВМБ. – Бишкек, 2004. – 10 с. 8. Мурзалиев, И. Дж. Методы по предупреждению и ликвидации пневмовирусов овец и коз / И. Дж. Мурзалиев // Вестник КНАУ. – 2005. – № 1 (4). – С. 84–87. 9. Мурзалиев, И. Дж. Аденовирусные инфекции животных : монография / И. Дж. Мурзалиев. – Бишкек : Demi, 2008. – 200 с. 10. Мурзалиев, И. Дж. Рекомендации по применению катозала, сыворотки реконвалесцентов и нитокса 200 при респираторных болезнях овец / И. Дж. Мурзалиев, В. С. Прудников ; ИВМБ. – Бишкек, 2008. – 10 с. 11. Мурзалиев, И. Дж. Этиология пневмовирусных инфекций у овец / И. Дж. Мурзалиев // Ветеринария и кормление. – 2008. – № 3. – С. 26–27. 12. Мурзалиев, И. Дж. Рекомендации по комплексному методу лечения овец и ягнят при респираторных болезнях органов дыхания / И. Дж. Мурзалиев, В. С. Прудников ; ИВМБ. – Бишкек, 2008. – 8 с. 13. Мурзалиев, И. Дж. Пневмовирусные инфекции овец и коз : монография / И. Дж. Мурзалиев. – Бишкек : Demi, 2008. – 202 с. 14. Мурзалиев, И. Дж. Ветеринарно-санитарные и лечебно-профилактические мероприятия при респираторных болезнях овец и коз вирусной этиологии / И. Дж. Мурзалиев, В. С. Прудников, Н. П. Альбертян // Ученые записки учреждения образования «Витебская ордена «Знак Почета» государственная академия ветеринарной медицины» : научно-практический журнал. – Витебск, 2009. – Т. 45, вып. 1, ч. 2. – С. 169–172. 15. Мурзалиев, И. Дж. Технологические методы выращивания и лечения овец при респираторных заболеваниях вирусной этиологии / И. Дж. Мурзалиев, В. С. Прудников, М. П. Альбертян // Ученые записки учреждения образования «Витебская ордена «Знак Почета» государственная академия ветеринарной

YOSH ITLARDA RAXIT BELGILARI VA GEMATOLOGIK KO'RSATKICHLARI

Аннотация

В статье приведены данные о клинических признаках и некоторых морфобиохимических показателей крови у служебных собак питомников кинологического центра УВД Самаркандской области а также частных собак населения города Самарканда.

Kalit so'zlar: raxit, osteodistrofiya, kalsiferol, gipovitaminoz, ultrabinafsha nurlar, metakarpus, bo'g'in, eritrotsit, gemoglobin, kalsiy, fosfor.

Kirish. Raxit (gipovitaminoz D) асосан yosh itlarda 3-4 oyligida ko'p qayd etiladi. Kasallikning boshlanishi odatda kuchukcha o'zini o'zi ovqatlantirishga o'tgan davriga to'g'ri keladi. Agar oziq-ovqat noto'g'ri tanlangan bo'lsa yoki boshqa muammolar qo'shilsa, muvozanat buziladi va raxit belgilari paydo bo'ladi. [8] Kasal kuchukcha axlatining kichik o'lchamlari bilan ajralib turadi, u tengdoshlariga nisbatan zaif va eng kichik bo'lib o'smay qoladi. Kuchukchaninig tashqi ta'surotlarga javob reaksiyasi pasayadi va mehribon tabiatini bilan ajralib turadi. Kattaroq va kuchliroq tengdoshlaridan farqli o'laroq, u tez charchaydi, tez-tez o'tirishi yoki yotishi mumkin, oyoqlari qaltiraydi, yurishi notejis bo'ladi. [1,2,10]

Bazida bunday hayvonlar mushaklar va suyaklarning zaifligi tufayli spazmlardan aziyat chekishadi. Odatda ishtahasi yaxshi bo'ladi, ammo ovqatdan keyin kasal bo'lib, ich qotishi yoki diareya kuzatilishi va sharoitlar muntazam ravishda bir-birini almashtirishi mumkin. Raxitning xarakterli belgilariidan – oyoqlarining zaif va qiyshiq bo'lishi hamda qorinning hajmiga kattarishi kuzatiladi. [3,7]

Raxit polietiologik kasallik bo'lib, uning asosiy belgilari qaltirash, oyoqlarning og'rishi hisobiga yurishda taranglik seziladi. Suyakning deformatsiyasi oldingi panjalardan boshlanadi. Metakarpusning yumshoq suyaklari hayvonning og'irligiga bardosh bera olmaydi va asta-sekin itning og'irligi panja yostiqlaridan butun bo'g'imga o'tkaziladi. Shkastlanishning oxirgi bosqichida qovurg'alar uchida o'ziga xos o'simtalarning, "munchoqlar"ning ko'rinishi xarakterli bo'ladi. Uzun suyaklarning o'sishi va rivojlanishi to'xtaydi. Itning zoti uchun nomutanosisib qisqa panjalar kuzatiladi [4,6]. Raxit kasalligining o'ziga xos belgilariga bo'g'inlarning kattalashishi, oyoqlarning xassasimon qo'yilishi, qovurg'a uchlarida raxitsimon g'adir-budirlashishlarning paydo bo'lishi belgi-

Summary

The article presents data on clinically signs and some morphobiochemically indicators of blood in service dogs of kennels of the canine center of the Department of Internal Affairs of the Samarkand region as well as private dogs of the population of the city of Samarkand.

lari kiradi. Dastlabki morfometrik tadqiqotlar natijasida raxit paytida qalqonsimon va qalqonoldi bezlarning ham patologik o'zgarishlariga uchrashi aniqlangan. Xususan, qalqonoldi bezlarining yuzasi g'adir-budirlashgan, rangi sarg'ish-qo'ng'ir tusga kirgan, massasi ortiqcha $3270,0 \pm 2,0$ mg, uzunligi $2,0 \pm 0,3$ sm ni tashkil etganligi qayd etilgan. Qalqonsimon bezda ham o'ziga hos o'zgarishlar ro'y berib, konsistensiyasi qotgan, unda bo'lakchalar bilinib turadi, uzunligi $18,5 \pm 0,2$ sm gacha, nisbiy massasi har 100 kg tirik vazn hisobiga o'rtacha $7,2 \pm 1,7$ g ni tashkil etishi aniqlangan [3,5,7].

Material va metodlar. Ilmiy tadqiqotlarning eksperimental qismi 2020-2022-yillar davomida Samarqand viloyat IIB kinologiya markaz pitomniklariga qarashli 25 bosh xizmat itlarida, Samarqand shahri aholisiga qarashli 14 bosh itlar orasida hamda Samarqand Davlat veterinariya meditsinasi, chovchilik va biotexnologiya universiteti "Veterinariya jarrohligi va akusherlik" kafedrasi klinikasiga kelgan 12 bosh bir yoshgacha bo'lgan yosh it bolalarida o'tkazildi. Har bir bosh it bolasi klinik va gematorlogik tekshirilib, ularga kasallik tarixi yozildi.

Bunda itlarni saqlash, oziqlantirish sharoitlari, ratsion tahlili, klinik tekshirishlar, qon namunalarini laborator tekshirish natijalari o'rganildi. Klinik tekshirishlar orqali yosh itlarning umumiy ahvoli, ishtahasi, shilliq pardalarning holati, tana harorati, puls va nafas olish soni, semizlik darajasi, tashqi ta'surotlarga javob reaksiyasi, teri va teri qoplamasi, harakat a'zolarining holati, oyoqlarda palpatsiya qilganda og'riq sezishi, oqsoqlanishi, va klonik qaltirashlar o'rganildi.

Klinik tekshirishlar yordamida raxit bilan kasallanganligi aniqlangan 10 bosh yosh itlardan har 10 kunda bir marta qon olinib, eritrositlar va leykositlar soni (Goryayev sanoq to'ri), gemoglobin miqdori (Sali gemometri yordamida), qon zar-

(1-jadval)

2-4 oylik itlarning klinik ko'rsatkichlari. p=10					
Itlar zoti	Tekshirish vaqtி	Tana harorati, °S	Nafas soni, 1 daqiqada	Puls soni, 1 daqiqada	Tana vazni, kg
Nemis ovcharkasi	2 oylik	37,8	26,3	93,2	5,72
	3 oylik	38,2	26,4	92,5	10,58
	4 oylik	38,1	27,4	93,8	11,68
O'rta Osiyo ovcharkasi	2 oylik	37,8	29,0	98,2	5,60
	3 oylik	38,3	26,5	94,1	12,56
	4 oylik	38,1	28,2	99,5	13,38

(2-jadval).

Raxit va sog'лом yosh itlar qonining morfobiokimyoviy ko'rsatkichlari.

Itlar zoti	yoshi	Eritrosit mln/mkl	Leykosit, ming/mkl	Gemoglobin, g/l	Umumiy kalsiy mmol/l	Anorganik fosfor mmol/l	Ca:P
Nemis ovcharkasi (kasal)	2 oylik	6,40±0,3	9,14±1,1	98,4±2,4	2,62±0,12	2,96±0,06	1/0,86
	3 oylik	3,44±0,4	7,38±0,9	86,6±2,7	2,29±0,14	2,92±0,02	1/0,97
	4 oylik	3,22±0,5	6,64±0,9	62,0±2,1	2,20±0,15	2,98±0,06	1/1,04
O'rta Osiyo ovcharkasi (kasal)	2 oylik	6,42±0,6	9,12±1,4	96,4±3,1	2,52±0,16	2,94±0,04	1/1,89
	3 oylik	4,18±0,4	7,30±1,1	80,6±2,8	2,24±0,15	2,26±0,03	1/1,10
	4 oylik	3,20±0,4	6,11±0,8	69,3±2,5	2,16±0,14	2,28±0,04	1/1,06
Nemis ovcharkasi (sog'лом)	2 oylik	6,56±0,4	8,87±1,3	94,8±3,1	2,64±0,16	2,22±0,08	1/0,84
	3 oylik	6,84±0,5	8,94±1,1	89,8±2,7	2,68±0,18	2,18±0,07	1/0,81
	4 oylik	6,88±0,5	8,60±0,9	89,4±2,1	2,72±0,28	9,20±0,06	1/0,80

dobidagi umumiy kalsiy (В.П. Вичев, Л.В. Каракашов usuli), anorganik fosfor miqdori (Puls bo'yicha В.Ф. Коромыслов ва Л.А. Кудрявцева usuli) aniqlandi. Olingan natijalar umum-lashtirilib, me'yoriy ko'rsatkichlar bilan solishtirildi. Itlarning tana vazni har oyda bir marta tarozida tortish orqali tekshirildi.

Natijalar va ularning tahlili. O'tkazilgan tadqiqotlari misz natijasiga asosan tekshirilgan xizmat itlari orasida nemis ovcharkasi zotiga mansub 25 bosh itlarning 5 boshida (20%) raxit kasalligiga xos klinik belgilar aniqlandi. Klinik tekshirilgan bir yoshgacha bo'lgan O'rta Osiyo ovcharkasi (cho'pon itlari) zotli itlarning 26 boshidan 5 boshida (19,23%) raxitga xos klinik belgilar qayd etildi. Qayd qilingan raxit kasalligi asosan yosh 2-5 oylik itlarda ko'proq uchrashi kuzatildi. Yosh itlarning fiziologik ko'rsatgichlari klinik tekshirish usullari orqali tadqiqotning boshida va har 10 kunda bir marta individual ravishda tekshirilib borildi.

Tekshirilgan 2-4 oylik nemis ovcharkasi va O'rta Osiyo ovcharkasi zotli yosh itlarning klinik ko'rsatkichlari tana harorati, bir daqiqadagi nafas va puls sonini yoshiga nisbatan deyarli o'zgarmaganligi aniqlandi.

Nemis ovcharkasi zotli itlarning tana vazni 2 oylikda o'rtacha 5,22±0,8 kg ni tashkil etgan bo'lsa, ularning 4 oylikdagi tana vazni o'rtacha 10,68±0,92 kg tashkil etib, 60 kun davomida tana vaznining o'rtacha kunlik o'sishi o'rtacha 90,0 grammi tashkil etdi.

O'rta Osiyo ovcharkasi zotli itlarning tana vazni, 2 oyligida o'rtacha 6,60±0,74 kg ni, 4-oyligida bu ko'rsatkich o'rtacha 12,08±1,2 kg ni tashkil etdi. Bu zotli yosh itlarda tajriba davomida (60 kun) tana vaznining kunlik oshuvni o'rtacha 91,3 grammi tashkil etdi.

Raxit bilan kasallangan nemis ovcharkasi zotiga mansub bo'lgan 2-4 oylik itlarning 60 kun davomida tana vaznining kunlik o'zgarishi o'rtacha 98,6 gramni, O'rta Osiyo ovcharkasi zotiga mansub 2-4 oylik itlarning kunlik tana vaznining o'zgarishi o'rtacha 110,8 gramni tashkil etdi. Har ikkala zotli itlarda ham raxitga xos klinik belgilar: gipodinamiya, ko'p yotadi, tashqi ta'surotlarga javob reaksiyasining pasayishi, shilliq pardalarning oqarishi, trubkasimon suyaklarni qisqanda og'riq sezishi, bo'g'imlarning metafizar qismning hajmiga kattalashuvi, tez charchash, ishtahaning o'zgarishi, to'rt oylik davriga kelib, aksariyat itlarda jag' tishlari emal qavatining emirilishi harakterli bo'ldi.

Raxit bilan kasallangan 2-4 oylik itlarning gematologik ko'rsatkichlari kasallikning boshlang'ich davriga (2-oylik) nisbatan kasallikning rivojlangan davriga (4-oylik) kelib eritrotsitlar sonining nemis ovcharkasi zotli itlarda o'rta-chaga 6,40±0,3 mln/mkl dan 3,22±0,5 mln/mkl gacha, O'rta

osiyo ovcharkasi zotli itlarda o'rtacha 6,42±0,6 mln/mkl dan 3,20±0,4 mln/mkl gacha kamayishi, leykositlar sonining mos ravishda 9,14±1,1 ming/mkl dan 6,64±0,9 ming/mkl gacha va 9,12±1,4 ming/mkl dan 6,11±0,8 ming/mkl gacha kamayishi, gemoglobin miqdorining mos ravishda 98,4±2,4 g/l dan 62,0±2,1 g/l gacha va 96,4±3,1 g/l dan 69,3±2,5 g/l gacha kamayishi, umumiy kalsiy miqdorining mos ravishda 2,62±0,12 mmol/l dan 2,20±0,15 mmol/l gacha va 2,52±0,16 mmol/l dan 2,16±0,14 mmol/l gacha kamayishi bilan tavsiflandi.

Nazorat sifatida tanlangan sog'лом nemis ovcharkasiga mansub 2-4 oylik itlarning gematologik ko'rsatkichlari tekshirishlar davomida deyarli o'zgarishsiz qoldi. Ca:P nisbati raxit bilan kasallangan 2-4 oylik nemis ovcharkasi zotli itlarda 1/0,86-1/1,04 ni, 2-4 oylik o'rta osiyo ovcharkasi zotli itlarda 1/0,89-1/1,06 ni va sog'лом 2-4 oylik nemis ovcharkasi zotli itlarda esa 1/0,84-1/0,80 ni tashkil etdi.

Xulosalar. 1. Raxit bilan kasallangan yosh itlarda qonning ayrim morfobiokimyoviy ko'rsatkichlarining kamayishi ularning sut emish davridan keyingi paytga to'g'ri kelib, rasion tarkibida mineral moddalar va D vitaminining yetishmasligi ularga bo'lgan e'tiborning yetishmasligidan, quyosh nurlari ostida yetarlicha sayr qildirmaslik bilan bog'liq bo'ladi.

2. Raxit (D gipovitaminoz) yosh itlarda ishtahaning o'zgarishi, shilliq pardalarning oqarishi, teri qoplamasи yaltiroqligining yo'qolishi, o'sish va rivojlanishdan qolish umurtqa pog'onasi, old va orqa oyoqlar bo'g'inlari deformasiyalashuvi, qorinning osilishi, suyaklarning og'riqli bo'lishi, mushaklarda qaltirash va ularning zaiflashuvi kabi klinik belgilar bilan kechadi.

Foydalilanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Дерезина, Т. Н. Диагностика субклинического рахит. Д. А. Камчатный // Проблемы развития аграрного сектора экономики и пути их решения: Мат. Республ. науч.-практич. конф. -Персиановский, 2003. с. 199-200

2. Хапрова, Т.С. Изменения гематологических и биохимических показателей крови у собак при рахите / Т.С. Хапрова, В.В. Анников // Материалы II открытой Всероссийской научно-практической конференции молодых ученых/ - Ульяновск, 2007. - С. 199 -202.

3. Беланта ветеринария клиники, Буслаева Людмила Сергеевна ва бошга:2022, Москва. www.беланта.вет/вет-блог/рахит-у-собак-щенков.

4. Дерезина, Т.Н. Рахит поросят (этиология, диагностика) / Т.Н. Дерезина // Ж. Ветеринария. 2004. - № 1. - С. 48 - 52.

5. Статьи Рахит у щенка немецкой овчарки: рыбий жир и другие средства. <https://provsehsobak.ru/krupnye-porody-sobak/nemeckaya-ovcharka/rahit-u-shenka.2010>.

КОРАМОЛ ВА ҚЎЙЛАРНИНГ АСОСИЙ ТРЕМАТОДОЗЛАРИ

Аннотация

Уибу мақола адабиёт маълумотлари асосида тайёрланган бўлиб, унда чорва молларининг хавфли троматодозлари фасциолёз, дикроцелиоз ва ориентобильгарциоз ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калим сўзлар: гельминтоз, фасциолёз, дикроцелиоз, ориентобильгарциоз, альбендазол, альбенол, Роленол, Клонитил-50, Бронтел плюс.

Мавзунинг долзарблиги. Республикада чорвачилик соҳасини ривожлантириш, халқимизни сифатли гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар билан тўлиқ таъминлаш Давлат сиёсати даражасидаги муҳим вазифа бўлиб, уларнинг ижроси ҳукуматимизнинг доимий эътиборидадир.

Чорва молларини, айниқса, қорамол ва қўйларни сифатли ва етарли даражада озиқлантириш, яъни чорвачилик хўжаликларида мустахкам озука базасини яратиш, молларнинг зотини яхшилаш, уларнинг генетик имкониятларидан самарали фойдаланиш, чорва молларини сақлашнинг зоогигиена, ветеринария-санитария талабларига қатъий амал қилиш каби чора-тадбирлар бу вазифаларни бажаришнинг асосий омиллари ҳисобланади. Аммо чорвачиликни ривожлантириш, моллар туёқ сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини оширишда бир қатор юқумли, юқумсиз ва паразитар касалликлар, шу жумладан гельминтозлар жиддий тўсик бўлиб келмоқда [1, 2, 6,].

Қорамол ва қўйлар маҳсулдорлигини оширишнинг муҳим омили гельминтозлар томонидан ўлим даражаси ва ёш ҳайвонларнинг ўсиши, ривожланиши, шунингдек маҳсулот миқдори ва сифати сезилярли даражада пасайиб кетиши натижасида юзага келадиган иқтисодий заарнинг олдини олиш ҳисобланади.

Чорвачиликка етказилган иқтисодий заар ва уларга қарши курашни ташкил этишининг мураккаблиги туфайли гельминтозлар инвазион касалликларнинг барча гурухлари орасида долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Қорамол ва қўйларнинг гельминтозлар билан касалланишини камайтириш, қўзгатувчилар популляциясини чеклаш, хўжаликларни гельминтозлардан сақлаш, хозирги замон ветеринария мутахассисларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Summary

This article is based on the literature, which contains information about dangerous trematodes of cattle, fasciolosis, dichrocellosis and orientobilgartsiya.

Шу муносабат билан гельминтларнинг тураркиби, мамлакатимизнинг турли экотизимларида гельминтларнинг эпизоотологияси, қишлоқ хўжалик ҳайвонларига юқиш ёши ва мавсумий динамикаси каби муаммоларини ўрганиш ниҳоятда муҳим хисобланади [1, 4, 5, 8,].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, бугунги кунда республикамизда чорвачилик соҳасини яна-да ривожлантириш, энг асосийси барча чорвачилик тармокларига илм-фан ютуқларини жорий этиш ҳисобига мол бош сонларини кўпайтириш, маҳсулдорликни, подада наслдор моллар салмоғини ошириш ҳисобига экологик тоза ва сифатли чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Бу йўналишдаги тадқиқотларни амалга оширишнинг асосий босқичлари энг аввало қорамол ва қўйларнинг асосий гельминтозларини аниқлаш, сақлаш шароитларига боғлиқ ҳолда зарарланиши динамикасини таҳлил этиш, гельминтозларнинг олдини олишга қаратилган маҳсус ва умумий профилактика услугуб-воситаларини яратиш ҳамда гельминтозларга қарши курашнинг замонавий чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборат [1, 3, 6, 8,].

Фасциолёз – сурункали ёки ўткир шаклда кечадиган, қорамол, қўй-эчки ва бошқа тур уй ва ёввойи ҳайвонлар (асосан кавш қайтарувчилар) нинг жигаридаги *Fasciola hepatica* ва *Fasciola gigantica* троматодаларининг паразитлик қилиб яшashi натижасида юзага келадиган инвазион касаллик бўлиб, ҳайвон организмида камқонлик, сарфайиш, кескин ориқланиш ва касалликнинг сурункали вақтида жағости ва кўккрақда шиш пайдо бўлиши, ўткир даврда эса қоринда 5-10 л. гача қизғиши-сариқ суюқлик тўпланиши билан тавсифланади.

Фасциолёз қўзгатувчилари *F.hepatica* ва *F.gigantica* баргсимон, қўнғир рангли ясси гель-

минтлар бўлиб, *F. hepaticus*нинг узунлиги 20-30 мм, эни 8-12 мм, *Fasciola gigantica* эса узунлиги 28-76 мм ва эни 5-12 мм [2, 3, 4, 7,].

Клиник белгилари. Табий шароитда фасциолёз уч оқимда кузатилади: ўткир оқимли фасциолёз, аралаш оқимли фасциолёз, сурункали оқимли фасциолёз. Ўткир оқимли фасциолёз ҳайвонларнинг жигар тўқималарида паразитлик қиливчи ёш фасциолалар томонидан, сурункали фасциолёз эса жигарнинг ўт йўлларида яшовчи вояга етган фасциолалар томонидан кўзғатилади. Фасциолёзнинг аралаш оқими эса ҳар иккала ёшдаги фасциолаларнинг бир вақтда паразитлик қилиши натижасида рўй беради [3, 6, 7, 8,].

Қорамолларда сурункали фасциолёзда озғинлаш, сигирлар сут махсулотининг камайиши, бола ташлаш ҳоллари рўй беради. Аммо қўйларга нисбатан уларда касаллик анча енгил кечади ва ўлим ҳолати сурункали фасциолёзда одатда кузатилмайди [4, 7, 8,].

Даволаш. Фасциолёз билан касалланган ҳайвонларни куйидаги антигельминтиклар билан гиჯжасизлантирилади: **альбендазолнинг 10,0% ли суспензияси** – ийрик ва майда шохли ҳайвонларга 10 кг тирик оғирлигига 1 мл дан; **альбен** – 1 таблеткандан ҳайвонининг 50 кг тирик оғирлигига; **альбазен-нинг 2,5% ли суспензияси** – қорамолларнинг 10 кг оғирлигига 4 мл, қўйларнинг 10 кг оғирлигига 2 мл; **альбенол** – ийрик ва майда шохли ҳайвонларнинг 10 кг тирик оғирлигига 1 мл дан; **клозальбен порошок** – (1 кг нинг таркибида 50 мг клозантел ва 50 мг альбендазол) майда ва ийрик шохли молларнинг 10 кг тирик оғирлигига 2 г дан; **фенбендазол 22,2% ли гранула** – (панакурнинг синоними) қўйларнинг 10 кг оғирлигига 0,2 г, қорамолларнинг 10 кг оғирлигига 0,35 г дан оғиз орқали берилади.

Роленол, Клозонтел-50, Бронтел плюс препаралари ийрик шохли молларнинг 10 кг тирик вазнига 0,5 мл, майда шохли молларнинг 10 кг тирик вазнига 1 мл тери остига ёки мускул орасига (бир неча жойга) юборилади [1, 2, 3, 7,].

Дикроцелиоз – бу турли сут эмизувчи ҳайвонлар айниқса, қорамол ва қўй ва эчкиларнинг сурункали оқимда кечувчи трематодоз касаллиги бўлиб, у ҳайвонларнинг жигар ўт халтасида ва ўт йўлларида *Dicrocoelium lanceatum*нинг паразитлик қилиши оқибатида кўзғатилиб, касаллик овқат ҳазм қилиш фаолиятининг издан чиқиши, ич ўтиши, тананинг турли жойларида шишлар ҳосил бўлиши, ўсиш ва ривожланишдан орқада қолиш, махсулдорликни камайиши билан характерланади.

Кўзғатувчисининг морфологияси. Дикроцелиялар анча майда трематода бўлиб, унинг танаси-

нинг узунлиги 6,0-15,0 мм атрофида, эни 1,5-2,5 мм га тенг, ранги олд томондан қорамтири, орқа томондан жигарранг, тўқ сариқ рангда. Паразитнинг ранги бачадонидаги етилган ва етилмаган тухумлар ранги билан ифодаланади. *D.lanceatum*нинг оғиз ва корин сўргичлари бир-бирига яқин жойлашган. Уруғдон ва тухумдонлар қорин сўргичининг остида жойлашган, бачадонлар эса тананинг ўрта ва орқа кисмини эгаллаган. Иккала ён томонда сариғдонлар жойлашган. Жинсий тешиклар корин сўргичининг олд томонида очилади. Ўрта ичаги иккита учлари берк ён найчалардан иборат.

Диагноз қўйиш ва уни фарқлаш. Ҳайвон тириклигига унинг тезак намунасини кетма-кет ивиш йўли билан гельминтоовоскопик текширишдан ўтказилади. Дикроцелия тухумлари тўқ жигар рангга эга, ичиди мирадидия ва унинг 2 та пигментли кўзчаси мавжуд. Тухумлар майдада, узунлиги 0,038-0,045 мм, эни 0,02-0,03 мм га тенг, қалин қобиққа эга, бир кутбида қопқоқчаси мавжуд. Дикроцелия тухумларини эуретрем, хасстизий тухумларидан, замбуруғлар спораларидан ва айрим ўсимликлар уругларидан фарқлаш керак.

Даволаш ва профилактика чора-тадбирлари. Дикроцелиозга қарши гельминтсизлантириш муолажалари ҳам “Албендазол” ва “Клозонтел” таркибли антигельминтикларни юқоридаги тартибда йўриқнома асосида қўллаб ўтказилади. [4, 7, 8,].

Ориентобильгарциоз – қорамол, қўй, от, тuya ва бошқа кўп турли ҳайвонларга (айрим тури одамга) хос бўлган гельминтоз бўлиб, у ҳайвонларнинг қорин (чарви) қон томирлари ва лимфа тугунларида *Orientobilharzia turkestanika* трематодаларнинг паразитлик қилиши туфайли келиб чиқади ва ҳайвоннинг тез ва кескин ориқлашиши, қон ва фибринли ширроқи ич ўтиш каби килиник белгилар билан тавсифланади.

Касаллик қўзғатувчиси. *Orientobilharzia turkestanika* трематода (яси гельминтлар) синфга кирса-да, бошқа трематодалардан катта фарқ қиласи: улар айрим жинсли гельминтлар, уларнинг танаси узунчоқ, ташки қўринишдан немотодаларга ўхшайди [1, 4, 5,].

Диагноз қўйиш. Ориентобильгарциозга ҳайвон тирик бўлгандан диагноз клиник белгилар эпизоотологик маълумотларни хисобга олган ҳолда, гельминтоовоскопиянинг флотацион усувларидан бири (Фюллеборн) ёки гельминтоовскопиянинг кетма-кет ювиш усули билан қўйилади.

Ориентобильгарциозга қарши кураш чора-тадбирлари. Ориентобильгарциозга ҳамда фасциолаларнинг оралиқ хўжайнлари бир хил бўлганилиги сабабли уларнинг ҳайвонларга юқиши, ривожланиши ва тарқалиши бир-бирига ўхшашdir. Шунинг

учун ҳам ориетобильгарциозга қарши кураш чора-тадбирлари фасциолёзга қарши кураш билан бир тарзда олиб борилади. Фақат, ориетобильгарциозга қарши дегельминтизация қилишда фойдаланадиган антигельминт препаралларга эътибор бериш лозим.

Ориетобильгарциозга қарши яхши натижа берадиган антигельминт воситалар: **рабензол, азинокс, дронцид, ацемидофен** каби препаратлардир. Бу препаратларни уларни қўллаш бўйича қўлланмага асосан ишлатиш лозим [4, 6, 5,].

Парамфистаматозлар – Қорамоллар, қўй-эчклиарнинг ва ёввойи кавшовчи ўтхўр сут эмизувчилярнинг ўткир ва сурункали кечадиган трематодоз касаллиги бўлиб, улар ҳайвонларнинг дастлаб, ўн икки бармоқли ичак ва ширдонида, сўнгра эса жуда узоқ вақт катта ва қисман тўр коринда парамитлик қилувчи *Paramphistomata* кенжা туркумига оид *Gastrothylax*, *Calicophoron*, *Liorhitis* ва *Paramphistomum* авлод трематодаларининг парамитлик қилиши оқибатида қўзгатилади. Ушбу гельминтлар фасциолалар сингари икки хўжайин иштирокида ривожланади, планорбидлар оиласига мансуб галтаксимон чиганоқقا эга бўлган чучук сув моллюскалари уларнинг оралиқ хўжайнларидир [9].

Уларнинг қўзгатувчилари қайси авлодга мансублигига қараб, улар томонидан чақириладиган касалликлар парамфистомоз, каликофороноз, гастротилляксоз ва лиорхоз деб аталади.

Клиник белгилари одатда, ёш молларда ўткир шаклда ўтиб, ҳолсизланиш, иштаҳанинг пасайиши, қамқонлик, заҳарланиш белгилари (тишларни ғижилатиш) ва кескин ориқлаш кузатилади. Касалликнинг сурункали даврида эса катта қориннинг атонияси, доимий тўхтовсиз ич кетиш, ариқлаш, қамқонлик қўзга ташланади.

Диагноз қўйиши. Парамфистаматозларга ташхис қўйишида эпизотологик маълумотлар, клиник белгилар ва маҳсус гельминтологик текширишлар натижаларига асосланилади. Уларнинг қўзгатувчилари йўғон, конус шаклидаги трематодалар бўлиб, отларда учрайдиган ошқозон сўнасининг личинкаларида ўхшайди, уларнинг ўлчамлари 5-20 мм, янги сўйилган моллардан териб олинган трематодалар қизил доналар (анор доналари) шаклида бўлади. Тезак намуналари кетма-кет усулда ювиб текширилганда, парамфистоматларнинг кулранг, фасциола тухумларидан йирикроқ бўлади.

Парамфистаматозларга қарши кураш чора-тадбирлари. Парамфистоматозлар ва фасциолёзга нософлом бўлган хўжаликларга қарши курашда комплекс чора-тадбирлар яъни ҳайвонлар қўл, чашма, сув қочириш каналлари, зовурлар ва бошқа турар сув

ҳавзаларида сақланмайди, бу сув ҳавзалари баҳор ва куздамахусмоллюскоидлар(аммонийсульфатнинг 0,1 фоизли эритмаси, калий хлориднинг 0,2 фоизли эритмаси, чой содасининг 0,3 фоизли эритмаси, перекис водороднинг 1:40000 нисбати ва калий перманганатнинг 1:400000 нисбати)ни қўлланмага асосан қўллаш орқали моллюскалардан тозаланади [10].

Даволаш. Чорва молларини гижжасизлантириш массадида **битионол, фаскоцид ва политрем** препаратлари қўлланмасига асосан қўллаш яхши натижа беради [9,11].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аvezimbetov Ш.Д. “Қорақалпоғистон Республикасида қорамоллар ва қўйлар трематодозларининг биоэкологик ва эпизотологик хусусиятлари”. Вет. фан. номзоди. илмий дараж.олиш учун ёзилган дисс. Самарқанд-2007.
2. Сафаров X.А., Джаббаров Ш.А. “Чорва молларнинг асосий гельминтозлари ва уларнинг тарқалиш даражаси”. // “Veterinariya meditsinası” журнали. №12. Тошкент, 2021. -Б12-14
3. Даминов А., Салимов Б. “Фасциолёзнинг олдини олиш чора-тадбирлари”. // Зооветеринария. - Тошкент, 2009. - №8, - Б. 20.
4. Ҳақбердиев П.С. Паразитология // Услубий қўлланма. Самарқанд, 2015. 56-64 б.
5. Орипов А.О., Давлатов Р.Б., Йўлдошев Н.Э. “Ветеринария гельминтологияси”, Ўқув қўлланма. Тошкент 2016. б 57-78.
6. Орипов А.О., Йўлдошев Н.Э., Джаббаров. Ш. А., Исаев Ж.М. “Гельминтозларга қарши даволаш-профилактика чора-тадбирлари бўйича Тавсиялар” Тошкент 2015. б 5-10.
7. Орипов А.О. Гельминтозларга қарши курашишнинг замонавий стратегияси, услуг ва воситалари. //“Veterinariya meditsinası” журнали. №11. Тошкент, 2021. -Б17-19
8. Йўлдошев Н.Э., Даминов Ж.Н., Курбаниязов Б.Д., Мейлиев С.С. “Республикамизнинг шимолий иқлим минтақасида қорамол ва қўйларда гельминтозларнинг тарқалиши” “Chorvachilik va naslchilik ishi” журнали. №2. Тошкент. 2022. Б38-39.
9. Орипов А. О., Салимов Б.С., Джаббаров Ш. А., Йўлдошев Н. Э. “Чорва моллари гельминтозларига қарши даволаш-профилактика чора тадбирлари бўйича йўриқнома” Тошкент 2020 й. Б 30-31.
10. Орипов А. О., Джаббаров Ш. А., Йўлдошев Н. Э. “ Гельминтозларга қарши курашнинг замонавий услуг ва воситалари бўйича амалий тавсиялар” //“Veterinariya meditsinası”. №3. Тошкент, 2021. -Б27-28.
11. Сайдкулов Б.С., Салимов Х.С., Орипов А. О., Норбоев К. Н. “Ветеринария мутахассислари учун қисқача маълумотнома”. Тошкент. 2015 й. Б .181.

УДК: 619:636.3:576.89

**Ш.Х.Қурбанов, доцент,
Р.Қ.Нормаматов, магистр, М.У.Фармонов, магистр**
Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университети

ТРЕМАТОДАЛАРНИНГ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ

(Адабиёт маълумотлари асосида)

Аннотация

В статье подробно описаны биоэкологические особенности 4-х типов развития различных trematodes, паразитирующих в организме сельскохозяйственных животных в условиях Узбекистана.

Калим сўзлар: трематодалар, моллюскалар, партенитлар, оралиқ хўжайинлар, тараққиёт типлар.

Кириш. Чорвачиликни ривожлантиришда, самардорлигини оширишда турли инфекцион ва инвазион касалликлар тўсқинлик қилиб келаётганлиги ва улар ичидагельминтозлар асосий ўринлардан бирини эгаллаши туфайли кўплаб ҳайвонлар нобуд бўлаётганлиги, маҳсулдорлиги камайиб кетиши, ёш ҳайвонлар эса ўсиш ва ривожланишдан орқада қолиши, ҳайвон организмининг бошқа касалликларга қарши курашиш кобилияти, яъни резистентлиги пасайиб кетиши, оли надиган маҳсулотларнинг сифати ва миқдори камайиши натижасида чорвачилик хўжаликлари сезиларли даражада иқтисодий зарар кўриб келмоқда. Ҳайвонлар орасида гельминтларнинг кенг тарқалганлиги, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари ва паррандаларида турли касалликларни келтириб чиқариши сабабли уларни тадқиқ этиш ветеринария соҳасига оид муаммоларнинг эмас, балки кенг қаровли ижтимоий-иктисодий масалаларни ҳам ҳал қилиш имкониятини яратиши шубҳасиз.

Трематодалар ўзларининг морфологик, биологик ва экологик жиҳатлари билан бошқа паразит чувалчанглардан кескин фарқ қиласи ва улар гельминтология фанининг энг муҳим бўлимидан бири бўлиб ҳисобланади. Трематодаларнинг тараққиёти жуда кўпчилик турларида ўта мураккаб кечади ва ўз ичига тўртта даврни олади: эмбриогония, партеногония, цистогония, маритогония. Уларнинг эмбрионал тараққиёти ташки ёки ички муҳитда, партеногония тараққиёт даври ички муҳитда – паразитларнинг биринчи оралиқ хўжайини организмида, цистогония тараққиёт даври ташки (сув муҳитида) ёки ички муҳитда (иккинчи оралиқ хўжайинда), маритогония тараққиёт босқичи асосий (дефинитив) хўжайинлар организмида кечади.

Шундан келиб чиқсан холда ҳайвонлар организмида учрайдиган trematodalarning тараққиёт босқичларини ўрганиш ва уларнинг анатомо-морфологиясини, биологиясини, экологиясини, эпизоотологик ҳолатини, диагностикасини ва уларга қарши курашнинг замонавий такомиллашган усууларини ишлаб чиқишига қаратилган тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Материаллар ва методлар. Тадқиқотларимизда trematodalar биологияси, экологияси ва тарқалишини

Annotation

The article describes in detail the bioecological features of 4 types of development of various trematodes parasitizing in the body of farm animals in Uzbekistan.

ўрганишга оид илмий адабиёт манбалари таҳлил қилиниб, Ўзбекистон шароитида олиб борилган тадқиқотлар билан қиёсий ўрганилиб, trematodalarning тараққиётига оид маълумотлардан фойдаланилган.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Трематодалар ривожланиш хусусиятлари, анатомо-морфологияси ва экологияси билан паразит чувалчангларнинг бошқа систематик гурухларидан кескин ажralиб туради, вояга етган trematodalar жинсий йўл билан кўпайишга ўтади, аммо уларнинг аксарияти хўжайн алмаштириш йўли билан ривожланади. Табиатда бир хўжайн иштирокида тараққий этувчи энг қадимги trematodalar ҳам учрайди [4, 7]. Уларнинг организмида паразит тухумидан моллюска организмида ўзига хос ларвотрема личинкаси пайдо бўлади, у эса метаморфозсиз тўрт босқични босиб ўтиб, вояга етган trematodaga айланади. Барча умуртқалиларда паразитлик қилувчи trematodalar эса икки (диксенли), уч (триксенли), ҳатто тўрт ёки тетраксенли тараққиёт хусусиятларига эга. Неча хўжайн иштирокида ривожланмасин, бундай trematodalarнинг жинсий кўпайишида пайдо бўлган тухумларида ривожланган биринчи босқичли личинкалар (киприкли мирадицийлар) қорин оёкли (Gastropoda) ёки икки паллали (*Bivalvia*) моллюскалар организмида партеногенетик тараққиёт босқичларини босиб ўтади. Агарда бундай даврда биринчи оралиқ хўжайнинда етилган личинкалар (церкарийлар) ташки муҳитга ажralиб чиқиб, дефинитив хўжайинлар учун юқумли холга келадиган циста (адолескарый) хосил қила олмаса, бундай trematodalar иккинчи, ҳатто учинчи оралиқ хўжайнинрага муҳтож бўлади. Бундан истисно сифатида айтиш мумкинки, табиатда биринчи оралиқ хўжайн организмида етилган церкарийлар унинг ўзида цистогония даврини ўтаб юқумли холга келган метацеркарийлар хосил қилувчи trematodalar ҳам учрайди. Бунга кўй ва эчқиларда паразитлик қилувчи *Hasstilesia ovis*ни мисол келтириш мумкин. Айрим ўта хавфли айрим жинсли шистоматидларда моллюска организмидан сув муҳитига чиқсан церкарийлар цистогония даврини ўтаолмайди, авлод қолдириш учун эса улар ўз хўжайнинлари (майдада ва йи-

рик шохли ҳайвонларга) оғиз орқали эмас, балки тери орқали ёриб киради.

Трематодларнинг иккита оралиқ хўжайин орқали ривожланувчиларида кўшимича оралиқ хўжайин вазифасини олигохетлар, кискичбакасимонлар, ҳашаротлар, баъзи умуртқалилар (балиқлар), уч хўжайнилларида эса турли умуртқалилар (амфибия, рептилия, кушлар ва баъзи сут эмизувчилар) ўтайди. Трематодаларнинг тараққиёт типлари бўйича Ўзбекистон шароитида бир қатор олимлар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, тараққий этиш хусусиятларига кўра, улар бир неча типга ажратилган [1, 2, 3, 4, 5, 6, 7]. Ўзбекистон шароитида ўтказилган тадқиқотларнинг асосийларига тўхталиб ўтамиз.

Фасциолидли тараққиёт типи. Бундай тараққиёт типига эга бўлган trematodларнинг биринчи эмбрионал босқичли тараққиёти ташқи муҳитда кечади, сувга, ўта нам жойга тушган паразитнинг оталанган тухумида биринчи авлод личинка – мирадијий ривожланади. У эса етилгач, тухум қобиғининг бир кутибидаги қопкоқчасини очиб, сув муҳитига чиқади. Келгуси тараққиётини давом эттириш учун у сув моллюскаси организмига ёриб киради, унинг жигарига бирмунча регрессга учраб (киприкча ва кўзчаларидан ажралиб) иккинчи авлод личинка – спороцистага айланади. Унинг эмрионал хужайраларидан партеногенетик кўпайиш йўли билан учинчи авлод личинкалар – редийлар ривожланади. Спороцистада етилиб чиқсан редийлар бир гурухининг эмбрионал хужайраларидан думли церкарийлар, иккинчи гурухидан ёш редийлар пайдо бўлади.

Тадқиқотларга кўра, бундай тараққиёт моллюска ўлмагунга қадар давом этади: ёш редийларнинг бир гурухида церкарийлар, қолганларида редийларнинг ривожланиши давом этаверади, натижада моллюска жигари ҳажмига ўта катталашиб, қорамтири рангдан сарғиши тус олади, унинг юзасида редийлар кўзга ташланана бошлайди. Бу эса моллюска жигарини кучли патологик жараёнга учрашидан далолат беради. Оралиқ хўжайин организмидан ҳар суткада бир неча ўнлаб, юзлаб етилган церкарийлар сувга ажралиб чиқиб туради.

Ушбу тараққиёт типи билан Ўзбекистон шароитида ҳайвонларнинг жигар trematodларидан *Fasciola gigantica*, *Fasciola hepatica*, ошқозон-ичак терематодлари – гастротиляклар, лиорхислар, каликофоронлар, бир гурух парранда ва балиқларнинг trematodларидан ривожланади. Диксенли фисциолидли тараққиёт типи орқали ривожланувчи trematodларнинг ривожланишида эмбриогония ва цистогония даврлари ташқи муҳитда кечади, шуларга кўра уни “очиқ тараққиётли тип” деб ҳам аташ мумкин. Ушбу тараққиёт типига оид trematodлар билан ҳайвонлар адолоскарийли ўт ейиш ва сув ичиш орқали заарланади. *F.gigantica* Республикалининг типик чўл ҳудудларидан ташқари барча минтақаларда тарқалган.

Ошқозон-ичак trematodларари – *Gastrothylax crumenifer*, *Calicophoron calicophorum*, *Liorchis scotiae* лар ҳам бугунги кунда республикамиз ҳудудида кенг

тарқалиб бормоқда, шунингдек *F.gigantica* тарқалган ҳудудларни эгалламоқда ҳамда уларнинг янги ўчоклари пайдо бўлаётганлиги кузатилмоқда.

Дикроцелидли тараққиёт типи. Ушбу тараққиёт типи орқали ривожланувчи trematodларда эмбриогония, партеногония, цистогония, маритогония даврлари ички шароитда кечади. Унга мисол қилиб *Dicrocoelium* авлодига мансуб *Dicrocoelium dendriticum* нинг тараққиётини кўрсатиши мумкин. Ушбу паразитнинг эмбрионал тараққиёти ички муҳитдан яъни унинг баҷадонида, партеногенетик тараққиёти куруқлик моллюскаларида кечади. Бундай биринчи оралиқ хўжайин куруқликка тушган мирадијили тухумни ҳайвон тезаги билан бирга истеъмол қилиш орқали заарланади. Моллюска организмида партеногенетик тараққиёт даврида етилган церкарийлар тўпланиб “шиллик” туганклар ҳосил қиласи ва унинг ўпкаси орқали ташки муҳитга чиқарилади. Бундай шароитда улар цистогония даврини ўтаолмайди, бунинг учун эса уларни қорин бўшлиғида суюклик бўлган бирор бошқа умуртқасиз истеъмол қилиш керак. Бундай вазифани маълум авлодга мансуб чумолилар бажаради. Чумоли организмига тушган церкарийлар унинг томоғида думчасини ташлаб қорин бўшлиғига ўтади ва унда цистогония даврини ўтайди. Чумолининг қорин бўшлиғида бир ой ёки ундан ортиқ вақт ичиди церкарийлардан ҳосил бўлган метацеркарийлар инвазион ҳолга келади. *D.dendriticum* ва шунга ўхшаш trematodлар билан ҳайвоннинг заарланиши паразитларнинг иккинчи оралиқ хўжайниларининг фаоллик даврида рўй беради, дикроцелиум тараққиёти эса trematodларнинг “ёник тараққиёт типига” киради. *D.dendriticum* trematodасидан Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбий қисми холи, у шунингдек чўл ҳудудида ҳам учрамайди.

Шистосоматидли тараққиёт типи. Унга оид trematodларнинг эмбрионал тараққиёти дефинитив хўжайин организмидаги паразитнинг баҷадонида кечади. Мирадијили тухум сувга тушгач, ундағи личинка дарҳол ташкарига чиқади ва моллюска организмига ёриб киради. Келгуси тараққиётини редийларсиз қиз спороцисталарда ўтайди. Уларда ҳосил бўлган айрича думли церкарийлар моллюска организмида сувга ажралиб чиқади, унда сузиб юриб тўғри келган дефинитив хўжайин (йирик ва майда шохли ҳайвонлар ва бошқалар) организмига унинг тери қопламини ёриб киради, жигар ҳамда ичак тутқичларидаги вена қон томирларида маритогония даврини ўтайди. Ушбу типга кирувчи trematodларнинг личинкалик тараққиёти бирмунча соддалашган, улардаги цистогония даври эволюцион жараёнда тушиб қолган. Ушбу паразитларда Ўзбекистон шароитида барча ҳайвонларда яшашга мослашган *Orientobilharzia turkestanica* нинг локал ўчоқлари учрайди. Унинг церкарийлари унга носоғлом бўлган турар сувларга тушган одам терисига ёпишиб қизгиш доғлар ҳосил қиласи. Бу эса ориентобильгарциозли церкариоз деб юритилади. Тадқиқотларда бундай ҳолат малакологик текширишлар ўтказиш натижасида тадқиқчилар томонидан кузатилган [5, 6].

Бошқа тур шистоматидлар – *Schistosoma mansoni*, *Sch.haemotobium*, *Sch.japonicum* бошқа иқлими иссик мамлакатлар ахолисининг жигар, ичак мезентерал безлари, сийдик таносил органларининг вена қон томирларида паразитлик қиласи.

Эуритремоидли тараққиёт типи. Унга кирувчи трематодаларнинг эмбрионал тараққиёти ёпиқ тарзда кечади, мириацийнинг келгуси тараққиёти иккита оралиқ хўжайнинда боради. Биринчи оралиқ хўжайнин куруқлик моллюскалари. Уларнинг қиз спорацисталарида етилган церкарийлар спорацисталар билан бирга ташки муҳитга чиқади ва иккинчи оралиқ хўжайнини томонидан истеъмол қилинади. Унинг организмида паразитнинг цистогония даври кечади, натижада метацеркарийлар ҳосил бўлади. Уларни истеъмол қилган дефинитив хўжайнинлар у ёки бу трематодозга чалинади.

Ўзбекистон худудида рўйхатга олинган, аммо хозирги пайтда учрамаётган ошқозоности безининг трематодалари – *Eurytrema pancreaticum* ва *Eurytrema coelomaticum*ларни мисол келтириш мумкин. Ушбу паразитларнинг иккинчи оралиқ хўжайнин маълум тур чигирткалар ҳисобланади.

Трематодалар орасида камдан-кам ҳолатда тўрт хўжайнин орқали ривожланувчи паразитлар ҳам учрайди. Улар тетраксенли тараққиёт хусусиятига эга бўлган трематодалар деб юритилади. Уларнинг сўнгги метацеркарийли даври асосий хўжайниннинг даставвал бир (масалан ўпкалиларга), кейин эса бошқа организма (масалан ичагида) ўтади, сўнгра вояга етади, бундай ҳолатда ушбу хўжайнин паразитнинг ҳам оралиқ ҳам асосий хўжайнин вазифасини ўтайди. Тетраксенли тараққиёт типига эга бўлган трематодаларнинг тараққиётида биринчи оралиқ хўжайнин моллюска, иккинчи ва учинчи оралиқ хўжайнинлар – умуртқалилар, асосий хўжайнинлар – умуртқалилар (кушлар ва сут эмизувчилар).

Шистосоматидли тараққиёт типига эга бўлган трематодалардан ташқари барча Trematoda синфининг вакиллари тўрт тараққиёт босқичи орқали ривожланади: эмбриогония, партеногония, цистогония, маритогония.

Эмбрионал тараққиёт босқичи, одатда, икки хўжайнин иштироқида ривожланувчи трематодаларнинг кўпчилигигида экзоген шароитда, яъни ташки – сув муҳитида, уч хўжайнинли ва айрим икки хўжайнинли паразитларда эса эндоген шароитда, яъни трематодаларнинг бачадонида кечади.

Партеногенетик тараққиёт босқичи трематодаларнинг биринчи оралиқ хўжайнин – моллюска организмида амалга ошади.

Цистогония тараққиёт босқичи кўпчилик икки хўжайнинли трематодаларда ташки муҳитда кечади. Унда сув моллюскаси организмидан ажralиб чиқкан церкарийлар юқумли ҳолга келиш учун маҳсус қобиқлар билан ўралиб, циста ҳосил қиласи. Уч хўжайнинли трематодаларда биринчи оралиқ хўжайнин организмидан ажralиб чиқкан церкарийлар иккинчи оралиқ хўжайнин организмида цистогония даврини ўтайди. Натижада биринчи ҳолатда ташки муҳитда адолоскарий, иккин-

чи ҳолатда, яъни ички муҳитда метацеркарий ривожланади. Баъзи икки хўжайнин иштироқида ривожланувчи трематодаларда, масалан, шистосоматидларда цистогония тараққиёт босқичи бўлмайди.

Трематодаларнинг маритогония тараққиёти асосий хўжайнин организмида кечади, унга турли йўллар билан юқсан инвазион личинкалардан вояга етган марита пайдо бўлади. Вояга етган трематодалар жинсий кўпайиш йўлига ўтади, натижада ҳар бир паразит бир сутка давомида бир неча ўн минглаб, ҳатто юз мингдан ортик тухум кўйиши мумкин.

Шундай қилиб, трематодалар вояга етган даврида жинсий йўл билан, личинкалар тараққиёт даврида эса партеногенетик йўл билан кўпайиш хусусиятига эга. Жинсий кўпайиш асосий хўжайнин организмида, эмбриогония тараққиёт даври ташки ёки ички муҳитда, партеногенетик кўпайиш босқичи биринчи оралиқ хўжайнин – моллюска организмида кечади. Цистогония тараққиёт даври экзоген ёки эндоген шароитда амалга ошади.

Хулоса. Трематодаларга хос биологик ва экологик хусусиятлар шулардан иборатки, уларнинг барчasi хўжайнин алмаштириш йўли билан ривожланади ва улар икки, уч, ҳатто, тўрт хўжайнинли паразитлар ҳисобланади. Шунингдек, уларнинг онтогенези 4 та тараққиёт босқичи орқали ўтади: эмбриогония, партеногония, цистогония, маритогония. Биринчи тараққиёт босқиги эндоген ёки экзоген шароитда, иккинчи тараққиёт босқичи эндоген, учинчи тараққиёт босқичи экзоген ёки эндоген, тўртинчи тараққиёт босқичи эндоген шароитларда кечади. Тадқиқотлардан кўриниб турибиди, трематодаларнинг тараққиёти ўта мураккаб бўлиб, ушбу жараённинг кечишида, улар арелининг кенгайишида абиотик, биотик ва антропоген омиллар муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азимов Д.А., Дадаев С., Акрамова Ф.Д., Сапаров К.А. Гельминты жвачных животных Узбекистана. Т.: ФАН, 2015. -222 с.
2. Орипов А.О., Юлдашев Н.Э. Қоракўл кўйларнинг асосий гельминтозлари. Т.: “Фан технологиялари”, 2009. -152 б.
3. Орипов А.О., Давлатов Р.Б., Юлдашев Н.Э. Ветеринария гельминтологияси. Тошкент, 2016. -242 б.
4. Петроченко В.И. Становление беспозвоночных и позвоночных животных хозяевами trematod в филогенезе. //Зоологических журнал. Выпуск 46. Ленинград, 1967. №3. –с 317-326.
5. Салимов Б.С., Даминов А.С., Курбанов Ш.Х., Отабоев Х.Э. Трематодалари (филогения, систематика, морфология, биология, экология). Самарқанд, 2018. -167 б.
6. Салимов Б.С., Отабоев Х.Э., Хашмиров Б. Расширение ареала некоторых опасных trematodозов домашних жвачных в условиях Узбекистана. //Ветеринарна біотехнология, Національна академія Аграрних наук України. Інститут ветеринарії медецини. Бюллетеңь. №22, 2013. -530-533 с.
7. Шульц Р.С., Гвоздев Е.В. Основы общей гельминтологии. М.:Наука, 1972. –с 515.

ТОВУҚЛАРНИНГ АСОСИЙ ГЕЛЬМИНТОЗЛАРИ

(Адабиёт маълумотлар таҳлили)

Аннотация

В данной статье описаны распространение, эпизоотология и лечение основных гельминтозов кур (аскаридиоз, простагонимоз гетеракидоз).

Калит сўзлар: аскаридиоз, гетеракидоз, простагонимоз, кетма-кет ювши, Шербович, Фюллеборн, Дарлинг, гельминтооскопия, гельминтоларвоскопия, седиментация, флотация.

Мавзунинг долзарблиги ва аҳамияти. Маълумки, паррандачиликни ривожлантириш, аҳолини парҳезбоп гўшт, тухум билан тўла таъминлашга товуқлар ва бошқа тур уй паррандаларининг турли юқумли, юқумсиз, паразитар касалликлари, жумладан гельминтозлар, жиддий тўсиқ бўлиб, сезиларли иқтисодий зарар етказмоқда.

Айниқса, охирги йилларда юзага келган паррандачилик хўжаликларининг фаолият юритиш шаклидаги ва соҳадаги ўзгаришлар, уларнинг турли касалликларга карши табиий чидамлилигининг пасайиши, сақлаш шароитлари (товуқхоналарда ерда ва махсус сеткали қафасларда) ва бошқа омиллар туфайли турли касалликлар, жумладан гельминтозлар, уларнинг тарқалиши ва эпизоотологиясида рўй берган ўзгаришлар, уларга қарши даволаш-профилактика услуб-воситаларини такомиллаштириш, янги, хозирги шароитларга мос келадиган чора-тадбирлар тизимларини ишлаб чиқиш ва олдини олишнинг иқтисодий самарадор усулларини яратиш ва амалиётда кенг кўламда кўллашни тақозо этади.

Бу йўналишдаги тадқиқотларни амалга оширишнинг асосий босқичлари энг аввало товуқларнинг асосий гельминтозларини аниқлаш, сақлаш шароитларига боғлиқ ҳолда заарланиш динамикасини таҳлил этиш, гельминтозларнинг олдини олишга қаратилган махсус ва умумий профилактика услуб-воситаларини яратиш ҳамда парранда гельминтозларига қарши курашнинг замонавий чора-тадбирларини ишлаб чиқишидан иборат.

Хозирги кунда дунё миқёсида кўплаб мамлакатларда гельминтозлар кенг тарқалган бўлиб, хусусан Республикамиздаги мавжуд қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларида паразитлик қилиб, чорвачилик тармогининг ушбу йўналишларига сезиларли даражада иқтисодий зарар етказиб келмоқда. Биргина товуқларда мавжуд гельминтозлар орқали товуқларнинг тухумдан қолиши, ёш паррандаларнинг ўсиш ва ривожланишдан ортда қолиши, гўшт махсулдорлигининг камайиши, шунингдек ҳайвон организмининг юқумли касалликларга нисбатан ре-

Summary:

This article describes the spread, epizootiology and treatment of the main helminthiasis of chickens (ascaridiosis, heterakidosis prosthagonimosis).

зистентлигининг пасайиши, гельминтлар етказган механик жароҳатлар орқали “инфекция дарвозаси” юзага келиши, ҳайвонларнинг нобуд бўлиши паррандачилик хўжаликларида, аҳоли хонадонларида иқтисодий чиқимнинг ортишига сабаб бўлади. Шунинг учун гельминтозларнинг олдини олиш, уларга қарши курашишда янги замонавий чора-тадбирларнинг иқтисодий самарали усулларини ишлаб чиқиш нафақат Республикамиз шароитида, умуман паррандачилик соҳасида долзарб муаммо бўлиб турибди.

Дунё миқёсида турли географик-иқлим минтақаларида, чорва ҳайвонлари ва паррандалар гельминтозларининг тур таркиби ва уларнинг тарқалиш дараҷаси аниқланган. [2]

Гельминтозлар ҳайвонлар ва паррандаларнинг маҳсулдорлигини сезиларли даражада камайтирадиган касалликлар хисобланади. Гельминтозлар паррандаларнинг турли ички аъзолари ва тўқималарида, асосан ошқозон-ичак йўлларида жойлашиб олиб ҳазмланаётган озуқа, қон ва тўқималари билан озиқланади. Бунинг натижасида паррандачилик хўжаликларига сезиларли даражада иқтисодий зарар етказади. [2, 6]

Бугунги кунга қадар олиб борилаётган тадқиқотларга кўра, паррандаларни сақлаш ва озиқлантириш шароитларининг бузилиши, намлик, совук, елвизак, антисанитария, сифатсиз озиқлантириш, айниқса озуқада витаминлар етишмаслиги, гельминтсизлантириш ишларининг олиб борилмаслиги ва бошқалар улар организмининг резистенлигини пасайтиради, турли касалликларнинг келиб чиқишига тарқалишига имкон яратади. [2, 4]

Дунё олимларининг таъкидлашича, товуқлар ва бошқа тур уй паррандаларининг энг кенг тарқалган гельминтозлари хозирги кунда аскаридиоз ва гетерокидоз деб тан олинган. Ушбу касалликларнинг эпизоотологияси, патогенези, клиник белгилари ветеринария мутахассислари томонидан атрофлича ўрганилган, шунингдек олдини олиш чоралари ишлаб чиқилган. Аммо ушбу гельминтлардан батамом

холис бўлишнинг ёки олдини олишнинг энг самарали усуллари ишлаб чиқилмаган. Бугунги кунда гельминтологиянинг энг муҳим ва янги муаммоларидан бири бу ассоциатив касалликларни ўрганишидир, чунки бир вақтнинг ўзида гельминтозлар билан турли юқумли касалликлар учрамоқда. [2, 3, 5]

Аскаридиоз – асосан товук, курка, фоз, тустовук ва бошқа паррандалар ингичка ичагида *Ascaridia galli* нематодаларининг паразитлик қилишидан келиб чиқадиган гельминтоздир. Аскаридиялар оддий йўл билан ривожланувчи биогельминтлар ҳисобланиб, уларнинг, резервуар хўжайинлари ёмғир чувалчангларидир. Аскаридиоз билан асосан ёш паррандалар жўжа ва 8-10 ойликкача бўлган паррандалар касалланадилар. Катта ёшдаги паррандаларда касаллик кам учрайди, аммо улар инвазия ташувчи бўлиб паразит тухумларини атроф-муҳитга тарқатадилар. Тупрокка тушган тухумлар ёмғир чувалчанглари организмида қишлиб, баҳор ойларида ёмғирдан сўнг ер юзига чиқкан ёмғир чувалчанглари паррандалар томонидан истеъмол қилиниши оқибатида инвазион тухумлар паррандалар организмига тушиб, касалликни юзага чиқаради. Паррандалар заарланганда, 7-8 кундан сўнг умумий клиник белгилар, патларининг хурпайиши, товуқларнинг қанотларини осилтириб юриши, озиги кетиши, тожлари оқариши, камқонлик, ич кетиши, тумшуғидан шилимшиқ оқиши намоён бўлади.

Ташхис қўйиш тезак намуналарини Фюллеборн ёки Дарлинг усуллари билан текшириб, аскаридия тухумларини, ингичка ичакни ёриб, аскаридияларни топиш орқали амалга оширилади.

Даволаш учун пиперазин, фебтал, албендазол (йўрикномасига мувоғик) препаратларини кўллаш яхши самара беради. [1, 5, 6, 7]

Гетеракидоз – *Heterakis gallinarum* нематодаларининг товуқлар ва бошқа паррандаларнинг кўр ичагида паразитлик қилиб, аскаридиоз сингари умумий клиник белгилар намоён қилиши билан кечадиган гельминтоз касалликдир. Гетеракидознинг ҳам резервуар хўжайинлари ёмғир чувалчанглари ҳисобланади. Ташхис қўйиш ва даволаш тадбирлари худди аскаридиозни аниқлаш ва даволаш сингари олиб борилади. Деярли барча ҳолатларда аскаридиоз ва гетеракидоз биргаликда кечиши уларга қарши даволаш ва профилактика тадбирларини биргаликда олиб боришига асос бўлади. [2, 4, 5, 6]

Простогонимоз – товук ва бошқа паррандаларнинг тухумдони ва фабрисиева халтасида *Prosthogonimus* авлоди трематодаларининг паразитлик қилиши натижасида келиб чиқиб, товуқларнинг қобиги шаклланмаган суюқ тухум қўйиши билан кечадиган касаллик ҳисобланади.

Простогонимоз ҳам биогельминт ҳисобланиб, оралиқ хўжайнлари сувда яшовчи моллюскалар ва кўшимча хўжайнлари ниначилардир. Паррандалар заарланган ниначиларни истемол қилиши орқали касаллик кўзғатувчилари билан инвазияланадилар. Одатда касаллик катта ёшдаги паррандаларда яққол намоён бўлади. Умумий клиник белгилар билан бирга простогонимозга хос бўлган патологик белги қобиги юпқа ёки қобиқсиз тухум қўйиш (клаокадан оқ суюқлик оқади) билан намоён бўлади. Вактида даво чоралари кўлланмаса, паррандалар нобуд бўлади. [4, 5,]

Тезак намуналарини кетма-кет ювиш ва Шербович усуллари билан паразит тухумларини аниқлаш орқали ҳамда ўлган паррандани тўлиқ гельминтологик ёриб кўриб, ташхис қўйиш мумкин.

Даволашда трематодоид препаратлардан энг самарали бўлган Alben Forte яхши таъсир кўрсатади. [2, 5, 7]

Паррандалар гельминтозлар билан заарланнишнинг олдини олиш учун уларни катакларда сақлаш ва ўз ахлатлари билан контактда бўлмасликларини таъминлаш зарур. Товуқхоналарни ҳар 5-7 кунда тезаклардан тозалаш, тезакларни биотермик заарсизлантириш, тўшамаларни эса тез-тез алмаштириб туриш, дезинвазия ва дезинтекция ишларини мунтазам ўтказиб туриш лозим. Хўжаликларда режали равишда гельминтсизлантириш ишларини йўлга қўйиш тавсия этилади. [1, 2, 5, 7]

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Акбаев М.Ш. Методы диагностики гельминтозов птиц // Сб. научн. трудов. изд-во МГАВМ и Б. – Москва. – 1999. – с.36- 41.
2. Джаббаров Ш.А. Гельминтозларга қарши кураш чора-тадбирларининг самарадорлиги ва уни ошириш йўллари. // Док. диссертацияси. 2017. – Б. 98-122.
3. Кибакин В. Основные гельминтозы кур и меры борьбы с ними в условиях Алтайского края и Восточной Сибири. //автореф. Д.в.н. Тюмень, 2005.
4. Ксавьера Ф.Ч. Паразитозы кур и разработка лечебно-профилактических мероприятий в условиях крестьянскофермерских хозяйств Краснодарского края. //Дисс. к.в.н. Краснодар, 2021.
5. Орипов А., Давлатов Р., Йўлдошев Н. Ветеринария гельминтологияси. // Ўқув кўлланма. Тошкент, 2016. 198-201 б.
6. Орипов А. Гельминтозларга қарши курашишнинг замонавий стратегияси, услуг ва воситалари. // “Veterinariya meditsinasi” журнали. №11. Тошкент, 2021. 17-19 б.
7. Ҳакбердиев П.С. Паразитология // Услубий кўлланма. Самарқанд, 2015. 38-44 б.
8. Энциклопедия домашнего птицеводства, Харьков Белгород 2010.

Носиржон Юсупов,
главный научный сотрудник
Международного института Центральной Азии,
доктор экономических наук

ОРГАНИЧЕСКОЕ ПРОИЗВОДСТВО – БУДУЩЕЕ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

Достижения в науке и технике в начале прошлого века создали условия и для индустриализации сельского хозяйства. Рост численности населения планеты, необходимость борьбы с голодом и недоеданием требовало принятия кардинальных мер. Этого же диктовало и господствующая экономическая система, суть которой заключалась в получении всё в больших масштабах прибылей. Индустриализация аграрного производства на основе применения техники при обработке почвы и уборке урожая синтетических удобрений и средств защиты растений обеспечили рост производительности труда и объёмов производства. Отчасти проблемы стоявшие перед отраслью стали решаться. Но как и всякое явление индустриализация сельского хозяйства помимо положительных сторон имела и отрицательные. Выразилось это в том, что началось насилие над природой. Почва стала истощаться, серёзный урон был нанесён качеству продуктов питания и кормов для скота, эрозией и потерей сортов сельхозкультур. Интенсификация земледелия нарушила водный режим почв, что вызвало масштабное засоление и опустынивание.

Как ответная реакция на данный процесс стало зарождаться новое движение – органическое сельское хозяйство (ОСХ). Начав свой путь более века назад с небольшого движения сторонников «чистой» продукции, оно сегодня занимает серёзный сегмент экономики, растущий с каждым годом.

По данным международных организаций органическое земледелие внедрено в 180 странах мира и занимает свыше 50 миллионов гектаров земли. В 2020 году было произведено продукции более 100 миллиардов долларов США. По прогнозам Продовольственной и сельскохозяйственной организации ООН (ФАО), к 2023 году одна пятая часть мировой сельскохозяйственной продукции будет органической. Прокормить население планеты, сохраняя при этом возможности естественных ресурсов, не нанося вред природе, климату, биологическому разнообразию, можно только за счёт него.

В современном органическом производстве принципиально нового, отличного от доиндустриального сельскохозяйственного производства нет. Разве что многие подходы подкреплены результатами научных исследований. Непосредственно в производственной части деятельность мелких семейных предприятий

на личных подсобных участках в целом соответствует требованиям органического земледелия. Значительно в меньших масштабах использовать, или вообще не использовать химические средства в повышении урожайности, борьбе с вредителями, меньше подвергать землю механической обработке, рационально использовать водные ресурсы, правильно применять севооборот, обеспечить справедливость в отношении всех живых существ, сохранив за ними естественную среду обитания – вот основные задачи органического производства. Другая задача заключается в том, чтобы широко использовать последние достижения мировой практики и науки и внедрить следующую, не менее важную и ответственную часть цепочки, – в максимально полном объёме и высоком качестве довести продукцию до потребителя.

В странах центральноазиатского региона современное органическое производство стало получать своё развитие в последние десять лет.

В Казахстане обширные сельскохозяйственные угодья и наличие климатического и агроразнообразия являются основными преимуществами страны в деле развития органического производства. Существует достаточно социально-экономический потенциал для развития внутреннего рынка.

Дополнительные возможности для расширения масштабов органического сельского хозяйства в Казахстане обусловлены низкими затратами на энергоносители, невысокой конкуренцией на внутреннем рынке и растущим спросом на чистую продукцию в мире, особенно в Китае и России, которые являются основными торговыми партнёрами республики.

Органическое сельское хозяйство Казахстана начало развиваться в 2013 году с принятием Указа Президента «О переходе на зелёную экономику в 2013–2020 годах», а уже в 2015 году вступил в силу Закон «Об органическом производстве».

К нерешённым вопросам следует отнести то, что добровольный национальный органический стандарт и логотип не разработаны, отсутствует система контроля органической продукции, не ведётся учёт его производства и экспорта.

По данным компаний экспортёров, казахстанские органические продукты, сертифицированные по меж-

дународным стандартам, поступают на рынки России, Украины, Германии, Польши, Нидерландов, Турции и Италии.

Стимулирующими факторами развития органического производства в Кыргызстане выступают небольшие размеры хозяйств, дешёвая рабочая сила и дефицит капитала, что характерно для нынешних условий аграрного сектора страны.

В декабре 2018 года Парламент Кыргызстана объявил план по поэтапному прекращению всего неорганического земледелия и переходу на полное органическое производство к 2028 году.

Кроме того, развитию органического производства способствовала утверждённая правительством «Концепция развития органического сельскохозяйственного производства в Кыргызстане на 2017-2022 годы», в 2019 году принят Закон «Об органическом сельскохозяйственном производстве», который расширил многие положения. Сегодня Кыргызстан входит в число мировых лидеров по производству органического хлопка – примерно 7 процентов.

В числе нерешённых вопросов отмечается отсутствие Национальных органических стандартов, системы контроля органической продукции, в силу чего данная процедура осуществляется иностранными органами, уполномоченными в соответствии с законодательством стран-импортёров.

Основными преимуществами для развития органического земледелия в Таджикистане являются благоприятные климатические условия, способствующие естественному производству многообразных культур и сортов; возможность выращивания ранних овощей, фруктов и ягод; преобладание сельского населения и относительно дешёвая рабочая сила.

Высокие цены на химические удобрения и их ограниченная доступность создают благоприятные условия для масштабирования органического сельского хозяйства.

Рынками сбыта органических продуктов Таджикистана в основном являются Китай и Россия. В последние годы таджикская органическая продукция стала появляться и на рынке Европейского союза. Возможности увеличиваются с ростом производства органического хлопка, арахиса и абрикосов, а также собранных дикорастущих культур.

Официально современное органическое производство зародилось в 2008 году в рамках реализации международного проекта по выращиванию хлопка. В 2017 году произведено на площади более **4900 гектар** свыше **6405** тонн сертифицированного органического хлопка, составив около **5** процентов доли мирового рынка.

Законодательной основой развития органического производства в Таджикистане является принятый

в 2013 года Закон «Об органическом сельском хозяйстве».

Вместе с тем, внутренний рынок весьма ограничен в силу невысокого уровня жизни населения, внимание в основном сосредоточено на выращивании хлопка, который продвигается на экспорт преимущественно международными организациями.

Контрольные органы функционируют в соответствии с нормативными актами импортирующих стран, поскольку это снимает многие барьеры на пути экспорта.

Основными препятствиями для внедрения органического сельского хозяйства являются трудности, с которыми сталкивается сельское хозяйство в целом, а также специфические, непосредственно касающиеся органического производства.

В частности, затягивание процесса создания нормативно-правовой базы, слабая финансовая поддержка, ограниченные земельные ресурсы, воздействие изменения климата, высокая стоимость сертификации, «утечка мозгов», также являются факторами, не способствующими масштабированию органического производства.

В Туркменистане органическое сельское хозяйство ещё не получило широкого развития. Первый и пока единственный проект по производству органических тепличных овощей на территории **8 га** запущен в 2019 году.

Узбекистан входит в число **10** стран мира, обладающих благоприятными условиями для производства органических продуктов питания. Пастбища и сенокосы являются хорошей базой не только для кормопроизводства и других продуктов, соответствующих требованиям «чистой» продукции, но и могут выступать источником выращивания лекарственных и ароматических трав, производства мёда, отвечающих этим стандартам.

Начиная с 2016 года республика стала поставлять органическую продукцию в страны Европы, в основном это сухофрукты, но работа ведётся и по другим позициям.

Принятый в апреле с.г. Закон «Об органической продукции» позволит снять существующие барьеры и создаст условия для его развития. Производство, переработка, хранение, транспортировка и маркировка, а также оценка соответствия и авторизация органической продукции будет впредь регулироваться законом.

В законе также прописаны меры государственной поддержки предприятий. К примеру, выделение субсидий предприятиям-производителям, предоставление финансирования и услуг производителям органической продукции.

Подчеркнуто, что в производстве органической продукции должны использоваться только здоровые

животные и растения, безопасные органические удобрения и сырье животного и растительного происхождения.

Комплексный и системный подход к внедрению органического сельского хозяйства потребует наряду с созданием институциональной и производственной инфраструктуры самого производства осуществить целый ряд организационных и разъяснительных мер по формированию внутреннего рынка органической продукции, потребностей населения в здоровых продуктах питания. Здесь важно задействовать стимулирующий механизм, подобно той, что применяется при экспорте. Спрос приведёт к развитию производства.

Реформы в аграрном землепользовании, твёрдая вера арендаторов в незыблемость законов и право свободно распоряжаться арендованными участками земли, создаст хорошие предпосылки для рационального их использования. А результат введения частного землепользования будет, несомненно, более значимым как в целом в вопросах землепользования, так и органического производства. Так что органическое производство будет способствовать созданию необходимых предпосылок для осуществления серьёзных реформ в вопросах землепользования.

Два важных фактора в известной степени тормозили более быстрое внедрение органического сельского хозяйства: сравнительная дороговизна органических продуктов и более высокая трудоёмкость их производства. Первый фактор в нынешних условиях в результате роста основных составляющих производственного цикла индустриального (традиционного) сельского хозяйства из-за роста цен на энергоносители повышает конкурентоспособность органического производства. Но даже в предшествовавших условиях, подход к оценке преимуществ традиционного способа был несколько поверхностным. Так, исследования Я.Д.Ван Мансвельта и С.К.Темирбековой¹ свидетельствуют, что при правильных севооборотах и ротации культур продуктивность органического сельского хозяйства только на 8-10% меньше неорганического. Разрыв как видим небольшой. Объёмы производства важны, но их нельзя абсолютизировать. По одному показателю судить о преимуществах того, или иного метода – неправомерно. Необходимо учитывать весь цикл производства, непосредственные и опосредованные затраты с полученным результатом. Первый метод сохраняет продуктивность почвы, а второй приводит к её эрозии. Сегодня наращивая объёмы производства, завтра можно лишиться главного средства производства. Что важнее? Так, по исследованиям ФАО за последние 50 лет содержание гумуса в почве Узбекистана снизилось

на 30-40% только из-за игнорирования правильного севооборота. Как результат снизилось плодородие почв. А применение севооборота непременное условие органического производства. Точно также можно привести примеры благоприятного влияния органического производства на сохранение качества воздуха, воды. И не менее, а более важная составляющая – здоровье населения, как результат употребления качественных продуктов. Один лишь только пример. Органическое молоко и мясо на 50% содержат больше полезных омега кислот, чем традиционное.

Второй фактор в условиях центральноазиатского региона имеет свою отличительную особенность. Заключается она в том, что все страны региона располагают в достаточном количестве трудовыми ресурсами и значительная их часть проживает в сельской местности. Используя их в производстве органической продукции и имея при этом возможность выплачивать достойную зарплату, можно решить и другую актуальную задачу - создание новых рабочих мест с наименьшими издержками.

Так что, по всем показателям органическое производство превосходит традиционное, уступая лишь в одном – в объёмах производства и, соответственно, возможностях преодоления проблемы голода. Эта проблема носит общемировой характер, но и для многих стран мира отдельные аспекты продовольственной безопасности не решены полностью. Исходя из этого к решению этих задач следует подходить используя оба способа, то есть на гибридной основе. Но при этом настойчиво продвигая органическое производство, так как с ним связано решение других общемировых угроз и вызовов. Это должно стать характерной особенностю сельского хозяйства стран Центральной Азии и, в том числе, Узбекистана.

Таким образом, переход на органическое сельское хозяйство помимо реального вклада в решение общемировых проблем и вызовов позволит решить и немало региональных и местных задач, как в области экономики, так и социальной сферы. Для Узбекистана это вполне назревший вопрос. С принятием закона и последовательной его реализацией будут созданы новые условия и откроются хорошие возможности для реализации амбициозных планов страны, определённых на ближайшую перспективу.

Список использованной литературы:

1. Я.Д.Ван Мансвельт, С.К.Темирбекова «Органическое сельское хозяйство: принципы, опыт и перспективы». Сельскохозяйственная биология, 2017, том 52, №3:478-486;
2. Органическое сельское хозяйство в Узбекистане. Состояние, практика и перспективы. ФАО Ташкент 2018г;
3. Почвозащитное и ресурсосберегающее земледелие. ФАО, Анкара, 2017 г.

¹Я.Д.Ван Мансвельт, С.К.Темирбекова, Органическое сельское хозяйство: принципы, опыт и перспективы, с.482.

УДК: 636.5:614.9-07

С.Ф. Холиков, мустақил изланувчи,
М.И.Хушназарова, талаба,Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва
биотехнологиялар университети

БРОЙЛЕР ТОВУҚЛАР ГҮШТИНИНГ ВЕТЕРИНАРИЯ-САНИТАРИЯ ЭКСПЕРТИЗАСИ

Аннотация

В статье приведены данные пищевом качестве тушенек бройлеров органолептическим и лабораторным путем.

The article provides for the determination of the nutritional quality of broiler carcasses by organoleptic and laboratory methods.

Ключевые слова: Росс-308, Росс-708, Кобб-500, пероксидаза, экстракт, фермент, бензидин, перекись, кислород, перекись водорода.

Кириш. Республикаизда чорвачиликнинг паррандацилик тармоғи энг ривожланётган соҳанинг бирига айланди, десак муболага бўлмайди. Сўнги йилларда бу соҳага бўлган эътибор ва ахолининг кенг қатламлари кизиқиши сабабли охириг 30 йил мобайнида республикада йилига етиштирилаётган паррандалар сони 34 млн бошдан 93 млн бошгача етди. Жами паррандаларнинг 44% га яқин улуши ихтисослашган саноат паррандацилик ва фермер хўжаликлирида, 56% ахоли хонадонларида боқилмоқда.

Республикаизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, паррандацилики ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини янада мустаҳкамлаш ҳамда паррандацилик йўналишидаги тадбиркорлик субъектларини қўллаб-кувватлаш, паррандацилик соҳасини ривожлантириш ва экспортга мўлжалланган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва турларини кентайтириш, шунингдек ахолини маҳаллий ишлаб чиқарилган сифатли ва арzon паррандацилик маҳсулотлари билан таминлаш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда гўшт йўналишидаги паррандалардан бройлер жўжаларнинг бир қатор зотларидан фойдаланилади. Улар сирасига “Росс-308”, “Росс-708”, ва “Кобб-500” зотли бройлер жўжалари киради. Мазкур зотли жўжалар ҳар бирининг тирик вазни 30 кунлигига 1,2-1,5 килограмм тош босади. Бундай пайтда сўйилган жўжаларнинг гўшти юмшоқ ва парҳезбоп бўлганлиги боис ҳам одамлар

Annotation

The article provides for the determination of the nutritional quality of broiler carcasses by organoleptic and laboratory methods.

томонидан севиб харид ва истемол килинади. Парранда гўштини етиштириш бутун дунёдаги каби Республикаизда ҳам жадаллик билан ривожланмоқда. Лекин дехқон бозорларида ва савдо ярмаркаларида сотилаётган паррандалар гўштининг озиқ-овқатлик сифати ва хавфсизлигини таъминлаш долзарб муаммолар қаторида турибди.

Тадқиқотнинг максади. Дехқон бозорларида ва савдо ярмаркаларида сотилаётган бройлер жўжалари гўштнинг озиқ-овқатлик сифатини ва хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Тадқиқот обьекти ва услублари. Органолептик ва лаборатория текширув ишлари «Ўзбекистон илмий-синовлар институти маркази» давлат унитар корхонаси Самарқанд филиали Аккредитацияланган физик-химёвий синовлар лабораториясида, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети, Ветеринария диагностикаси ва озиқ-овқат хавфсизлиги факультети, “Ветеринария-санитария экспертизаси ва гигиена” кафедрасидаги, Ветеринария-санитария экспертизаси лабораториясида олиб борилди.

Давлат ветеринария бош бошқармасининг 2008 йил “19” июндаги 85-сонли буйруги билан тасдиқланган гўшт ва гўшт маҳсулотларини ветеринария-санитария экспертизасидан ўтказиш Коидалари асосида органолептик ва лаборатория усулларида олиб борилди[2].

Республикаизда етиштирилаётган барча турдаги паррандаларнинг гўшtlари ва ички органларининг си-

1-жадвал.

Органолептик текшириши натижасида олинган маълумотлар.

Тана гўшти намуналари	Ташки кўриниши	Ранг	Ҳиди	Мускул тўқимаси консистенцияси	Тери ости ёғи
1-намуна	семиз	оқ қизғиши	ўзига хос	таранг	оқ-сарик
2-намуна	ўргача семизликда	Бироз кўқимтир	бадбўй	бироз қаттиқлашган	оқ-сарғиши
3-намуна	семиз	оқ қизғиши	ўзига хос	зич таранг	оқ-сарик
4-намуна	семиз	оқ қизғиши	ўзига хос	таранг	оқ-сарик
5-намуна	ўргача семизликда	оқ қизғиши	ўзига хос	бироз қаттиқлашган	оқ-сарғиши
6-намуна	семиз	оқ қизғиши	ўзига хос	зич таранг	оқ-сарик
7-намуна	семиз	оқ қизғиши	ўзига хос	таранг	оқ-сарик
8-намуна	ўргача семизликда	оқ қизғиши	ўзига хос	таранг	оқ-сарғиши
9-намуна	семиз	оқ қизғиши	ўзига хос	таранг	оқ-сарик
10-намуна	семиз	оқ қизғиши	ўзига хос	зич таранг	оқ-сарик

фат күрсаткычларини аниклаш учун белгиланган Давлат ветеринария стандартларига мувофиқ эканлигини аниклаш мақсадида энг аввало 10 тадан намуна олиниб, органолептик ва лаборатория усуллари ёрдамида текширилди.

Бройлер жүжалари гүштини органолептик усулида текширишда асосан қуидагиларга эътибор қаратылди, яни тана гүштининг ташки күринишига, ранги, хидига, мускул тўқимаси консистенцияси ва тери ости ёғлари текширилди.

Бройлер жүжалари гүштини лаборатория усулда текширганда ва уни янгилигини аниклаш учун Периоксидаза реакциясидан фойдаланилди. Реакциянинг моҳияти шундан иборатки, бройлер жүжалари гүшт намуналаридан 1:4 нисбатда, гүшт экстракти тайёрланди. Фильтрланган экстрактдан пробиркага 2 мл олиниб, устига 5 томчи 0,2%-ли бензидиннинг спиртли эритмаси солинди ва яхшилаб аралаштирилди. Кейин аралашмага 2 томчи 1%-ли водород периоксиди эритмаси куйилди, бу вақтда гүшт таркибидаги периоксидаза ферменти таъсирида перикис водород парчаланиб кислород ажралып чиқади ва бензидин оксидланади. Реакция натижасида гүшт экстрактининг ранги ўзгаради, яни кўк-яшил ранг ҳосил бўлади. Соғлом парранда гүштида периоксидаза ферменти фаол ҳолатда (*фермент қўп бўлади*), касал ёки мажбурий сўйилган паррандалардан олинган гүшт намунасида эса периоксидаза ферментининг фаолиги (*фермент кам*) паст бўлади [1,3,4,5].

Тадқиқот натижалари ва таҳлили. Самарқанд шаҳар “Темирийўл дехқон бозори”га сотиш учун олиб келинган бройлер жүжалари гүшти органолептик усулда текширилди. Текшириш учун қайта ишланган бройлер жүжалари тана гүштларидан 10 донаси ажратиб олиниб, органолептик текшириш орқали уларнинг сифат кўрсаткычлари аникланди. Олинган натижалар 1-2- жадвалларда келтирилган.

Тажриба жараёнида 10 та намуналарни органолептик текширганимизда, қуидаги натижалар олинди, яни ташки күриниши 1,3,4,6,7,9 ва 10 намуналарда тана гүшти семиз, 2,5 ва 8 намуналарда ўртача семизликда эканлиги аникланди. Тана гүштининг ранги 2 намунада бироз кўқимтирилди ва қолган намуналарда эса оқ қизғиши эканлиги аникланди. Тана гүштининг хиди 2 намунада бадбўйлиги ва колган намуналарда эса ўзига хослиги аникланди. Тана гүшти мускул тўқимасининг консистенцияси 2- ва 5- намуналарда бироз қаттиқлашган 1-,4-,7-,8- ва 9- намуналарда таранглиги ва 3-,6- ва 10- намуналарда эса зич таранглиги аникланди. Тана гүштининг тери ости ёғлари 2-,5- ва 8- намуналарда оқ-сарғиши рангда эканлиги, 1-,3-,4-, 6-,7-,9- ва 10- намуналарда эса оқ-сарик рангда эканлиги аникланди.

Янги бройлер жүжалари гүштидан тайёрланган экстрактда, реакция натижасида кўк-яшил ранг ҳосил бўлиб, 1–2 дақика ўтгандан сўнг қорамтирилди.

Сифати ўзгарган ёки мажбурий сўйилган бройлер товуклар гүштидан тайёрланган экстрактда, реакция натижасида пробиркадаги аралашманинг ранги кўк яшил тусга кирмасдан, бирданига қорамтирилди.

2-жадвал.

Периоксидаза реакцияси натижасида олинган маълумотлар.

Тана гүшти намуналар	Янги гүштда экстракт ранги	Ёмон гүштда экстракт ранги
1-намуна	кўк-яшил	
2-намуна	-	корамтирилди
3-намуна	кўк-яшил	
4-намуна	кўк-яшил	
5-намуна	кўк-яшил	
6-намуна	кўк-яшил	
7-намуна	кўк-яшил	
8-намуна	кўк-яшил	
9-намуна	кўк-яшил	
10-намуна	кўк-яшил	

Лаборатория шароитида 10 та намуналарни периоксидаза реакцияси ёрдамида текширганимизда, қуидаги натижалар олинди. Янги гүштда экстрактнинг 1,3,4,5,6,7,8,9 ва 10- намуналарда, кўк-яшил ранг ҳосил бўлади. 2-намунадаги сифати ўзгарган ёки мажбурий сўйилган бройлер жүжалари гүштида экстрактнинг корамтирилди.

Хуласа:

1. Мажбурий сўйилган бройлер жүжалари гүштиниг истеъмолга яроқли ёки яроқсиз эканлиги органолептик ва лаборатория текшириларни орқали маълум бўлади.

2. Самарқанд шаҳар “Темирийўл дехқон бозори”га сотиш учун олиб келинган бройлер жүжаларидан текширилган 10 та намунадан фақатгина 2- намунадаги бройлер гүштининг истеъмолга яроқсиз эканлиги аникланди.

Амалиётга таклиф. Сотиш учун келтирилган бройлер жүжаларининг гүшт маҳсулотлари лаборатория шароитида ветеринария-санитария экспертизаси текшируларидан ўтказилиб, истеъмолга яроқлилигини аниклангандан сўнг сотувга чиқариш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. А.В.Смирнов. // Практикум по ветеринарно-санитарной экспертизе. Санкт-Петербург ГИОРД, 2015 й.
2. Ф.Б.Ибрагимов ва бошқалар. “Veterinariya meditsinası” журнали №8. Тошкент 2018 й.
3. С.М.Муродов. // Ветеринария-санитария экспертизаси. Дарслик. Самарқанд - 2006 й.
4. С.М.Муродов ва бошқалар. // Ветеринария-санитария экспертизаси. Услубий қўлланма. Самарқанд 2017 й.
5. Т.Ниниос, Ж.Лунд. «Meat Inspection and Control in the Slaughterhouse» Филландия. 2014 й.

УДК.636.5:636.03:615

Ozod Ne'matullayev, tayanch doktorant,

Nigora Xo'jayeva, magistr;

Yunus Salimov, v.f.d., ilmiy rahbar;

Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik
va biotexnologiyalar universiteti

XLORELLA SUSPENZIYASINING TOVUQLAR TUXUMDORLIGI VA TUXUM SIFATIGA TA'SIRI

Аннотация

В статье на основе экспериментов исследуется влияние суспензии хлореллы на овуляцию кур и качество яиц. Было обнаружено, что применение суспензии хлореллы к цыплятам увеличивает овуляцию на 16,5% по сравнению с контролем и вес яйца примерно на 15%.

Kalit so'zlar: xlorella, suspenziya, vitamin jamlamasi, Lomann sendi, gramm, foiz.

Annotation

The article examines the effect of chlorella suspension on chicken ovulation and egg quality based on experiments. The application of chlorella suspension to chickens was found to increase ovulation by 16.5% compared to controls and egg weight by about 15%.

Mavzuning dolzarbliji. Bugungi kunda aholining tobora o'sishi barobarida tabiiyki, oziq-ovqat mahsulotlariiga bo'lgan talab va ehtiyoji ham oshib bormoqda. Mamlakatimiz aholisiga sifatlari chorvachilik mahsulotlarini talab darajasida yetkazib berish, soha mutaxasislari oldida turgan asosiy vazifalardan biri. Ushbu vazifalarni bajarishga avvalambor innovatsion texnologiyalarga asoslangan holda chorva mollari va parrandalarni to'g'ri oziqlantirish, parvarishlash, saqlash va turli kasallikklardan himoyalash chora-tadbirlarini o'z vaqtida amalga oshirib borish orqali erishishimiz mumkin.

Parrandachilik sohasi ham aholiga parhez parranda go'shti va tuxum kabi iste'mol mahsulotlarini yetkazib berishda asosiy o'rinnarni egallab kelmoqda. Shu tufayli ushbu sohani yanada rivojlantirish bugungi kunda dolzab hisoblanadi. Shu ma'noda bilan hozirgi kunda parrandachilikni qo'llab-quvvatlash va uni rivojlantirish masadida hukumatimiz tomonidan ko'plab chora-tadbirlar ishlab chiqilib, amalga oshirilmoqda. Xususan, Prezidentimizning 2022-yil 24-yanvardagi "Parrandachilik tar-mog'ini davlat tomonidan qo'llab-quvvatlashga doir qo'shimcha chora-tadbirlar to'g'risida"gi qarori ham shular jumlasidandir.

Tadqiqot uslublari va joyi. Tadqiqotlar Qashqadaryo viloyati Kasbi tumanidagi "Paxlavon Muhammadali" agrofermasiga qarashli Lomann sendi zotli tuxumga kigan 118 kunlik 180 bosh tovuqlarda o'tkazildi. Tovuqlarning tuxumdorligi va tuxum og'irligi kunlik sanoq va

o'lchov tarozida, tuxum sifat ko'rsatkichlari esa Ovoskop yordamida va orgonaleptik usulda baholandi.

Tajribadagi tovuqlar 60 boshdan uch guruhga ajratildi. Birinchi tajriba guruhidagi 60 bosh tovuqlarga har kungi ozuqa ratsioniga qo'shimcha ravishda xlorella suspenziyasini berib borildi. Dozasi har bir boshga nisbatan kunlik 30 ml ni tashkil qildi. Ikkinchchi tajribadagi 60 bosh tovuqlarga esa vitamin jamlanmasi tabiiy ravishda dozasi 1 litr suvgaga 1 ml vitamin aralashmasidan ichirilib borildi. Uchinchi guruhdagi 60 bosh tovuqlar nazorat guruhini tashkil qilib, ularga doimiy kunlik ratsion asosidagi ozuqa berib borildi. Tajribalar 60 kun davomida olib borildi.

Tadqiqot natijalari. Tajriba boshlanishidan oldin barcha tovuqlarning tirik vazni va tuxum og'irligi o'lchanib, nazoratdan o'tkazildi. Tovuqlarning o'rtacha tirik vazni 1420,0-1530,0 grammni tashkil etdi. Tuxum og'irligi esa o'rtacha 45,2-47,1 gramm ekanligini ko'rsatdi.

Xlorella suspenziyasi qabul qilgan 1-tajriba guruhidagi tovuqlardan 60 kun davomida kunlik olingen tuxumlar soni o'rtacha 51,3 donani tashkil qilgan bo'lsa, 2-tajribadagi vitamin jamlamasini qabul qilgan tovuqlarda ushbu ko'rsatkich 48,2 dona, nazoratdagi tovuqlarda esa 44,1 donani tashkil qildi.

1-jadval ma'lumotlaridan ko'rinish turibdiki, xlorella suspenziyasi qabul qilgan tovuqlardan olingen tuxum nazoratdagilarga nisbatan 16,5 foizga, vitamin jamlamasini qabul qilgan tovuqlardan olingen tuxumlarga nisbatan esa 6,5 foizga yuqori bo'lganligini ko'rsatdi.

1-jadval.

T/r	1	2	3
Tajriba guruhlari	Xlorella suspenziyasi qabul qilgan tovuqlar	Vitamin jamlamasini qabul qilgan tovuqlar	Kunlik ozuqa ratsioni bo'yicha boqilgan nazoratdagi tovuqlar
Tovuq bosh soni (bosh)	60	60	60
Tajriba davomiyligi (kun)	60	60	60
Umumiyl olingen tuxum soni (dona)	3082	2892	2646
Kunlik o'rtacha tuxum soni (dona)	51,3	48,2	44,1
Olingen tuxum (foiz)	85,6	80,4	73,5

T/r	Tajriba guruhlari	Umumiy olingan tuxumlarning o'rtacha og'irligi (gramm)	Har bir tuxumning o'rtacha og'irligi (gramm)	Nazorat guruhiga nisbatan foizda (foiz)
1	Xlorella suspenziyasi qabul qilgan tovuqlar	58,8-59,9	59,4	114,7
2	Vitamin jamlamasasi qabul qilgan tovuqlar	56,3-57,3	56,8	109,6
3	Kunlik ozuqa ratsioni bo'yicha boqilgan nazoratdagi tovuqlar	51,2-52,1	51,8	100

Shuningdek, yakuniy tajriba va nazorat guruhlari tovuqlardan olingan har bir tuxumning o'rtacha og'irligi xlorella qabul qilgan tajriba guruhida 59,4 gramm, vitamin jamlamasasi qabul qilgan tovuqlar tuxumi 56,8 gramm va nazoratdagilar tuxumi esa 51,8 grammni tashkil etdi.

2-jadval ma'lumotlari xlorella qabul qilgan tovuqlardan olingan tuxumlarni og'irligi nazoratdagi tovuqlar tuxumi og'irligiga nisbatan qariyb 15 foizga yuqori ekanligini ko'rsatdi.

Shuningdek, tajriba va nazorat guruhi tovuqlaridan olingan tuxumlar Ovoskop yordamida sifat ko'rsatkichlari nazoratidan o'tkazildi.

Xlorella qabul qilgan tajriba tovuqlaridan olingan tuxumlar boshqa tajriba va nazorat guruhlaridan olingan tuxumlardan quyidagi ko'rsatkichlari bo'yicha farq qildi: tuxum qobig'ining nisbatan qattiqligi va butunligi, qobiqning tozaligi va tuxum ichida yot narsalarining yo'qligi, shu bilan birgalikda tuxum ichidagi havo kamerasining balandligi 13 mm, oqsili esa zichlashgan bo'lib, yorug'likni yaxshi o'tkazdi. Tarkibida oqsil 34,4 grammni, sariqlik 18 grammni va qobig'i 7 grammni tashkil etdi.

Xulosalar

1. Xlorella suspenziyasi tovuqlarga qo'shimcha ravishda berilishi natijasida tuxumdorlik 16,5 % ga oshishi ga hamda tuxum og'irligi esa 14,7 % ga yuqori bo'lishiga erishish mumkin.

2. Xlorella suspenziyasi qabul qilgan tovuqlardan olingan tuxumlarning sifat ko'rsatkichlari yuqori bo'lib, to'ymli parxez mahsulot olishga zamin yaratdi.

3. Xlorella suspenziyasini tuxum yo'nalişidagi tovuqlarga ozuqa ratsioniga qo'shimcha tabiiy biologik faol modda sifatida berish yuqori iqtisodiy samaradorlikka erishishga olib keldi.

Foydalilanigan adabiyotlar ro'yxati:

1. Богданов Н.И. Суспензия хлореллы в рационе сельскохозяйственных животных. Пенза, 2006.

2. Мельников С.С., Мананкина Е.Е. Использование хлореллы для кормления сельскохозяйственных животных // Наука и инновации. 2010. №8. С.40-43.

3. Salnikova M. Ya. Chlorella - a new type of food. - M.: Kolos, 1977. -p.87

4. Shaligo N.V., Melnikov S.S. Economically useful types of algae and their use in the national economy // Science and innovation. -2009. -№ 3. - p. 34-36.

УДК:636.5:619:615

Ф.М.Кулдошев, таянч докторант, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали, М.Мирзанова, мустақил изланувчи, А.Холиков, илмий раҳбар, в.ф.н., доцент, Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети

КУФЕСТРОЛ ПРЕПАРАТИНИНГ ТОВУҚЛАР ТУХУМ МАҲСУЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Аннотация

В данной статье приведены данные о влиянии препарата куфестрола на продуктивность яиц и некоторые гематологические показатели.

Калит сўзлар: биостимулятор, куфестрол, гематология, "Ecomix", премикс, BIOBASE BK6190 анализатори, Mindray BA-88A анализатори, эритроцит, гемоглобин, умумий оқсил, глукоза.

Мавзунинг долзарбилиги. Паррандачилик чорвачиликнинг муҳим тармоғи бўлиб, тухум, парҳез парранда гўшти ва гўшт маҳсулотлари, пат ва пар ишлаб чиқариш имкониятини беради. Шу сабабли паррандачилик хўжаликлари сонини кўпайтириш, улардан ра-

Summary

This article provides information on the effect of kufestrol on chicken egg productivity and some hematological parameters.

ционал фойдаланиш, товуқларнинг маҳсулдорлигини ошириш муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда паррандачилик соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар натижасида йилдан-йилга паррандалар бош сони кўпайиб, маҳсулдорлиги

1-жадвал.

Тажрибадаги товукларнинг тухум маҳсулдорлиги (% ҳисобида)

Гурухлар	Товуклар ёши, кун					
	120	150	180	210	240	270
I назорат	5	42	55	65	78	80
II тажриба	10	60	72	81	87	91
III тажриба	7	51	60	70	80	85

ошиб бормоқда. Шунингдек, паррандаларнинг маҳсулдорлигини оширишда турли фармакологик препаратларни қўллаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Тадқиқот мақсади. Табиий биостимулятор куфестрол препаратини товукларнинг гематологик кўрсаткичлари ва тухум маҳсулдорлигига таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот обьекти ва усуллари. Тадқиқотлар Самарқанд вилояти, Жомбой тумани, “Ўқтам” хусусий илмий ишлаб чиқариш фермаси паррандахонасида ўтказилди. Хўжаликка қарашли тухум йўналишидаги “Ломанн ЛСЛ” классик зотли 90 кунлик 3000 бош товуклар олиниб, ҳар бирида 1000 бошдан товуклар бўлган 3 гурухга ажратилди.

Биринчи назорат гурухидаги товуклар факат хўжалик рациони асосида озиқлантирилди, иккинчи тажриба гурухидаги товуклар рационига қўшимча “Куфестрол” препаратидан 1 тонна емга 15 грамм, учинчи тажриба гурухидаги товуклар рационига “Ecomix” перемиксидан 100 кг емига 1 кг қўшиб берилди. Тажрибадаги товуклар ҳар 30 кунда бир марта клиник текширишлардан ўтказилди. Тажрибалар 180 кун давом этди.

Қўлланиладиган препаратларнинг самарадорлиги товукларнинг тухум бериш интенсивлигига караб баҳоланди. Коннинг морфологик кўрсаткичлари BIOBASE BK6190 гематологик анализатори ёрдамида ҳамда қон зардобининг биокимёвий кўрсаткичлари эса полавтомат Mindray BA-88A анализатори ёрдамида аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Ўтказилган тажрибаларимизда товукларнинг тухумга кириш вақти биринчи тажриба гурухида 108 кунни, иккинчи тажриба гурухида 115 кунни ва назорат гурухида эса 120 кунни ташкил этди. Яъни товукларнинг тухумга кириши иккинчи тажриба гурухидаги товукларда назорат гурухига нисбатан 12 кун, учинчи тажриба гурухидаги товукларга нисбатан 7 кун олдин қайд этилди. (1-жадвал)

Биринчи назорат гурухидаги товукларнинг тухум маҳсулдорлиги ўртача 80 % ни, иккинчи тажриба гурухида 91 % ва учинчи тажриба гурухида эса 85 % ни ташкил қилди. Бундан кўриниб турибдик, куфестрол қўлланилган иккинчи тажриба гурухидаги товукларнинг тухум маҳсулдорлиги учинчи тажриба гурухига нисбатан 6 % га, назорат гурухига нисбатан 11 % га юқори бўлди.

Коннинг кўрсаткичларини аниқлаш орқали қўлланилган препаратларнинг товуклар физиологик ҳолатига таъсирини ўрганиш муҳим текшириш усулларидан бири сифатида кенг қўлланилади, чунки кондаги ўзгаришлар бутун организмдаги ўзгаришларни акс этиради. Тажрибадаги товуклар қонининг айрим морфобиокимёвий кўрсаткичлари бўйича текширишлардан олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

Тажриба бошида кондаги эритроцитлар, **лейкоцит**, **гемоглобин миқдори** ҳамма гурухларда бир хил кўрсаткичларни ташкил этган бўлса, тажриба охирига келиб, эритроцитлар сони назорат гурухида $3,24 \pm 0,04$ дан $3,68 \pm 0,05$ $10^{12}/\text{л}$, иккинчи тажриба гурухида $3,12 \pm 0,02$ дан $3,96 \pm 0,05$ $10^{12}/\text{л}$ га ошган бўлса, учинчи тажриба гурухида эритроцитлар сонининг $3,20 \pm 0,02$ дан $3,76 \pm 0,05$ $10^{12}/\text{л}$ га кўпайганлиги қайд этилди.

Тажриба охирига келиб, лейкоцитлар сони назорат гурухида $34,8 \pm 0,40$ дан $39,2 \pm 0,49$ $10^9/\text{л}$ га, иккинчи тажриба гурухида $34,4 \pm 0,37$ дан $40,4 \pm 0,49$ $10^9/\text{л}$ га, учинчи тажриба гурухида эса $34,6 \pm 0,12$ дан $40,240,2 \pm 0,80$ $10^9/\text{л}$ га ошди.

Назорат гурухи ва учинчи тажриба гурухига нисбатан иккинчи тажриба гурухидаги гемоглобин миқдори оши, $106,0 \pm 2,46$ г/л ни ташкил этди.

Кондаги умумий оқсил миқдори тадқиқотларнинг охирига келиб, биринчи назорат гурухида $50,20 \pm 0,81$ г/л ни, иккинчи тажриба гурухида $59,38 \pm 2,50$ г/л ни ва учинчи тажриба гурухида $55,34 \pm 1,06$ г/л ни ташкил қилди. Куфестрол қўлланилган иккинчи тажриба гурухидаги умумий оқсил миқдори бошқа гурухларга нисбатан кўпайганлиги аниқланди.

2-жадвал.

Товуклар қонининг гематологик кўрсаткичлари, $n=30$.

Кўрсаткичлар	Гурухлар					
	1-назорат		2-тажриба		3-тажриба	
	Т.Б	Т.О	Т.Б	Т.О	Т.Б	Т.О
Эритроцит, $10^{12}/\text{л}$	$3,24 \pm 0,04$	$3,68 \pm 0,05$	$3,12 \pm 0,02$	$3,96 \pm 0,05$	$3,20 \pm 0,02$	$3,76 \pm 0,05$
Лейкоцит, $10^9/\text{л}$	$34,8 \pm 0,40$	$39,2 \pm 0,49$	$34,4 \pm 0,37$	$40,4 \pm 0,49$	$34,6 \pm 0,12$	$40,2 \pm 0,80$
Гемоглобин, г/л	$92,4 \pm 2,52$	$94,3 \pm 2,52$	$93,2 \pm 2,29$	$106,0 \pm 2,46$	$93,2 \pm 1,52$	$99,8 \pm 1,63$
Умумий оқсил, г/л	$47,04 \pm 2,09$	$50,20 \pm 0,81$	$46,66 \pm 1,88$	$59,38 \pm 2,50$	$46,94 \pm 1,96$	$55,34 \pm 1,06$
Глюкоза, ммол/л	$13,46 \pm 0,14$	$13,88 \pm 0,22$	$13,38 \pm 0,40$	$15,34 \pm 0,17$	$13,240,19$	$14,98 \pm 0,22$

Изоҳ: Т.Б.-тажриба бошида; Т.О.-тажриба охирида.

Глюкоза миқдори биринчи назорат гурухида $13,88 \pm 0,22$ ммол/л ни, иккинчи тажриба гурухида $15,34 \pm 0,17$ ммол/л ни ва учинчи тажриба гурухида $14,98 \pm 0,22$ ммол/л ни ташкил қилди. Юқоридаги барча гематологик кўрсаткичлар назорат гурухи ва учинчи тажриба гурухига нисбатан куфэстрол препарати қўлланилган иккинчи тажриба гурухида юқори эканлиги қайд этилди. Бундан кўриниб турибдики, куфэстрол препаратининг товуклар организмига фармакостимулловчи таъсири юкори.

Холосалар

1. Тухум йўналишидаги товукларнинг 90 кунлигидан бошлаб рационига қўшимча равишда куфэстрол препаратидан 1 тонна емга 15 грамм аралаштирилиб, 180 кун давомида берилиши товукларнинг 108 кунлигидан тухумга киришини, яъни бошқа гурухларга нисбатан 12 кун олдинроқ ва тухум маҳсулдорлиги 11 % га юқори бўлишини таъминлайди.

2. Куфэстрол препарати 1 тонна емга 15 грамм миқдорида аралаштириб берилиши товуклар қонидаги эритроцитлар сонини $3,96 \pm 0,05 \cdot 10^{12}/\text{л га}$, лейкоцит-

ларни $40,4 \pm 0,49 \cdot 10^9/\text{л га}$, гемоглобинни $106,0 \pm 2,46 \text{ г/л га}$, умумий оқсил $59,38 \pm 2,50 \text{ г/л га}$ хамда глюкоза миқдорини $15,34 \pm 0,17 \text{ ммол/л га}$ ортишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Андреев Д. С. Биологические ритмы птицы / Д. С. Андреев, В. И. Щербатов // Научное обеспечение агропромышленного комплекса: I Всероссийской научно-практической конференции молодых ученых. Краснодар, 2007. –С. 236-238.

2. Васильев В. С. Морфобиохимический состав крови кур-несушек при использовании в их рационе препарата Ферросил //Улитъко В.Е.; Васильев В.С. // Птица и птицепродукты.-2009.-№6.-С.48-50.

3. Ковалев Ю.А. Повышение продуктивности кур-несушек и питательности яиц, при использовании биорезонансной технологии:// Монография/ Под редакцией доктора сельскохозяйственных наук А.Г. Аваковой.- Краснодар 2011. -160 с. 500 экз.

4. Околелова Т.М., Мансуров Р.Ш., Хребтова Е.В. и др. Нужна ли выпойка витаминных препаратов курам// Птицеводство. 2014. №8. С. 25-29.

UDK: 636.5:614.3:615

N.B.Boysinova, tayanch doktorant,
F.B.Ibragimov, v.f.n., dotsent, ilmiy rahbar;
Samarqand davlat veterinariya meditsinasi,
chorvachilik va biotexnologiyalar universiteti

BROYLER JO'JALARINING O'SISH VA RIVOJLANISH KO'RSATKICHALARIGA PROBIOTIKLARNING TA'SIRI

Аннотация

В обеспечении продовольственной безопасности страны большое значение имеет производство рентабельной и экологически чистой продукции птицеводства. Изучение комплексного воздействия многоштаммовых пробиотических добавок на организм также влияет на качество и безопасность мяса цыплят-бройлеров. Мясо птицы содержит все необходимые вещества для полноценного питания человека, также является лучшим источником основных питательных веществ, представленных в наиболее оптимальном количественном и качественном соотношении.

Kalit so'zlar: Probiotik, ratsion, oziqa, qo'shimchalar, parranda go'shti, broyler jo'jalar tirik vazni, sifat ko'rsatkichlari.

Kirish. Parrandachilikda yuqumli va invazion kasalliklarning profilaktikasi maqsadida turli vaksinatsiya tadbirilari o'tkazilishi va antibiotiklarning qo'llanishi, parrandalar organizmida o'ziga xos bo'lgan ta'sir xususiyatini namoyon qilib, o'sish va rivojlanish ko'rsatkichlari hamda, ular dan olinayotgan mahsulotlar sifati o'zgarishiga olib keladi. So'nggi yillarda go'sht yo'nalişidagi parrandalarni yetish-tirish iqtisodiy jihatdan foydali hisoblanib, broyler jo'jalar go'shtini ishlab chiqarish ulushi parrandachilikda 61-88% ni tashkil qiladi. [2; 6].

Tadqiqot maqsadi. “Aktivil-3” probiotigining broyler jo'jalar o'sish va rivojlanishi hamda tana go'shtini sifat ko'rsatkichlari va go'sht chiqimiga ta'sirini o'rganish.

Materiallar va metodlar. Mamlakatimizda veterinariya amaliyatida qo'llanilayotgan probiotiklardan biri bo'lgan “Aktivil-3” probiotigining broyler jo'jalar tirik vaznining

In ensuring the food security of the country, the production of cost-effective and ecologically pure poultry products has a great importance. The study of the complex effects of multi-strain probiotic supplements on the body also affects the quality and safety of meat in broiler chickens. Poultry meat contains all the necessary substances for complete human nutrition, also it is the best source of essential nutrients, presented in the most optimal quantitative and qualitative ratio.

Summary



1-rasm.

intensiv o'sishiga ta'sirini aniqlash maqsadida, tajribalar Samarqand shahar, “Ma'rifat” MFY “Mironqul Agrozoovetservis ilmiy-amaliy markazi” MCHJ da “Ross-308” zotli broyler jo'jalarida o'tkazildi. Bunda 90 bosh jo'jalar 3 guruhga 30 tadan bo'lib olindi. Tadqiqotlarimiz jo'jalar 7 kunlik bo'lgan davrdan boshlab o'tkazildi.

Jo‘jalar barcha optimal zoogigiyenik talablariga rioya qilgan holda bir xil sharoitda saqlandi. Tajribalarimiz boshlanishidan oldin klinik tekshirishlar o‘tkazildi, unga ko‘ra barcha jo‘jalar klinik jihatdan sog‘lom deb topildi.

Birinchi guruhdagi broyler jo‘jalari nazorat vazifasini bajarib, odatiy ratsion asosida ya’ni broyler jo‘jalari uchun GOST 18221-2018 bo‘yicha Samarqand shahridagi “Afrosiyob parranda” korxonasida ishlab chiqarilayotgan omuxta yemdan berib borildi va hech qanday qo‘sishim-chalarsiz ozirlantirildi (1-rasm). Ikkinci va uchinchi guruhlarimiz tajriba guruhi hisoblanib, jo‘jalarni ozirlantirish uchun berilayotgan omuxta yem va vitaminlarning organizm orqali o‘zlashtirilishini aniqlash maqsadida 1-tajriba guruhiga asosiy ratsionga qo‘sishimcha sifatida “Aktivil-3” probiotigidan (10 l / 1 gr) broyler jo‘jalari suviga qo‘sildi, 2-tajriba guruhidagi broyler jo‘jalari suviga probiotik bilan birga “Dekavit” vitaminlar kompleksi (10 l / 10 ml) aralashtirib berib borildi.

I-jadval.

Broyler jo‘jalari tirik vaznining dinamikasi

Kun	Tirik vazni, g		
	Nazorat guruhi	1-tajriba guruhi	2-tajriba guruhi
7	206±15,80	206±5,37	206±5,37
14	494±21,81	505±15,81	540±12,54
21	916±13,43	985±12,54	1040±21,81
28	1328±16,18	1485±20,12	1560±16,18
35	1718±20,12	1880±21,81	2010±10,43
42	2235±21,62	2450±16,18	2570±20,12

Natijalar va ularning tahlili. Muntazam ravishda broyler jo‘jalarning haftalik tirik vazni va tana harorati ko‘rsatkichlari o‘rganib borildi. Tajriba va nazorat guruhlaridagi broyler jo‘jalarning tana harorati tadqiqotlar davomida normada saqlanib turdi (40,5-42 °C).

Tadqiqotlar natijasida 42 kun davomida “Aktivil-3” probiotigi va “Dekavit” vitaminlar kompleksi qo‘llangan broyler jo‘jalarning kunlik o‘sishi ko‘rsatkichlari nazorat guruhiga nisbatan farq qildi, shuningdek tajriba guruhlaridagi broyler jo‘jalarning ozuqa iste’moli, nazorat guruhi bilan solishtirilganda, yuqori ekanligi qayd etildi.

Tajribaning 42-kunida nazorat guruhidagi jo‘jalarga nisbatan 1-tajriba guruhidagi jo‘jalar tirik vazni 215 g ga, 2-tajriba guruhidagi jo‘jalar 335 g ga yuqori ekanligi aniqlandi. Bunda jo‘jalarning kunlik o‘sishi nazorat guruhida 53,2 g, 1-tajriba guruhida 58,3 g va 2-tajriba guruhida 61,1 g ni tashkil etdi, ya’ni nazorat guruhiga nisbatan umumiy tirik vazni 1-tajriba guruhi 9,6% ga, 2-tajriba guruhi 14,8% ga oshganligi aniqlandi (1-jadval).

Nazorat va tajriba guruhlaridagi broyler jo‘jalarini so‘yishdan oldingi tekshirish chog‘ida barcha broylerlar sog‘lom va to‘g‘ri ozirlantirilganligi, shu bilan birga ularning ko‘krak qafasi yumaloq, tumshug‘i yaltiroq ko‘rinishing egaligi, ko‘z olmasi bo‘rtiq, shox pardasi yaltiroq, og‘iz bo‘shlig‘i shilliq qavati och pushti rangda, mushak to‘qimalari barcha hollarda yaxshi rivojlanganligi aniqlandi.

Deyarli barcha tajribadagi va ko‘plab nazorat guruhidagi broyler jo‘jalarning tana go‘shti birinchi toifa semizligiga

mansub. Tajribadagi broyler jo‘jalarining to‘lig‘icha tozalangan tana og‘irligi nazorat guruhidagi parrandalarga nisbatan 10,81% va 17,39% ga, yarim tozalangan tana og‘irligi esa 10,58% va 18,39% ga oshgan edi. So‘ym chiqimi mos ravishda 1,30% va 2,60% ga tengligini ko‘rsatdi. Ushbu ma’lumatlar quyidagi jadvalda yoritilgan.

2-jadval.

Broyler jo‘jalar tanasining sifat ko‘rsatkichlari va go‘sht chiqimi

Ko‘rsatkichlar	Guruhan		
	Nazorat guruhi	1-tajriba guruhi	2-tajriba guruhi
So‘yishdan oldingi tirik vazni, g	2235,20±3,01	2450,60±10,00	2570,54±7,10
Yarim tozalangan tanalarning og‘irligi, g	1729,83±8,50	1912,44±12,10	2047,17±10,70
Yarim tozalangan tanalarning so‘ym chiqimi, tirik vazniga nisbatan, %	77,46±0,80	78,04±0,56	79,64±0,86
To‘lig‘icha tozalangan tanalarning og‘irligi, g	1564,35±39,28	1733,40±42,72	1836,65±32,78
To‘lig‘icha tozalangan tanalarning so‘ym chiqimi, tirik vazniga nisbatan, %	70,05±0,90	70,73±0,67	71,45±0,73

Xulosalar. 1. Tajribalar davomida olingan natijalarga asoslanib aytish mumkinki, “Aktivil-3” probiotiki broyler jo‘jalar o‘sishi va rivojlanishiga ijobjiy ta’sir qilib, tirik vaznining oshishini ko‘rsatdi.

2. Probiotik va “Dekavit” vitaminlar kompleksi qo‘llangan broyler jo‘jalarining to‘lig‘icha tozalangan tana og‘irligi nazorat guruhidagi parrandalarga nisbatan 10,81% va 17,39% ga, yarim tozalangan tana og‘irligi esa 10,58% va 18,39% ga oshganligi, hamda so‘ym chiqimi 1,30% va 2,60% ligi aniqlandi.

3. Parrandalar go‘sht mahsulorligini oshirishda ular ozuqasiga “Aktivil-3” probiotigi hamda “Dekavit” vitaminlar kompleksini qo‘sish yuqori natija beradi.

Foydalaniman adabiyotlar ro‘yxati:

1. Монастырев А.М. Биологическая оценка - важный фактор, определяющий качество говядины. Практик. – 2003 г. - № 11-12. С. 12-14.

2. Давыдов В.М. Ресурсосберегающие технологии производства птицеводческой продукции. - Омск: ГНУ Сиб. НИИ птицеводства, 2004 г.

3. Ахмедханова Р.Р. и др. Нетрадиционные кормовые добавки в комбиормах цыплят-бройлеров Био. – 2002 г.

4. Балдаев С.Н., Балдаев Н.С. Кормовые добавки целевого назначения. Материалы I Междунар. науч.-практ. конф. Ставрополь. 2001 г. С. 9 - 11.

5. Рябоконь Ю.А., Братишко Н.Н. Научные разработки в кормлении птицы. Птахівництво: міжвід. темат. наук. зв. - Харків, 2004 г. С. 18 - 22.

6. Хохлов Р.Ю. Приемы получения экологически чистой продукции птицеводства— Пенза, 2009 г. С. 160—161.

7. Родина Т.Г. и др. Справочник по товароведению продовольственных товаров: справочное издание - М.: КолосС, 2003 г. - 608 с.

КАСБГА САДОҚАТЛИ ВЕТВРАЧ



Қашқадарёлик самимий инсон Бахтиёр Қурбонов кутлуг 60 ёшни қаршилади. Шу куни унинг телефони тинмади, узоқ яқиндаги дўстларию ҳамкаслари самимий табриклишди. Ветвачнинг хонадони яхши инсонларга тўлди, фарзандлару набираларнинг қувончини айтмайсиз. Тўкин дастурхон атрофига тўплланган барча-барча эзгу тилакларини айтишди. Ҳамкаслар Қурбоновга узоқ умр, хотиржамлиқ тилашди, саксондан сакраб, тўқсонга тўқнашиб юринг, соғ бўлинг дейишди. Бу гапдан Бахтиёр Бозорович беҳад қувонгани ҳам сир эмас.

Бахтиёр Бозоровичнинг институтни битириб, ветврач сифатида иш бошлаганига бу йил 37 йилдан ошмоқда. Шу йиллар ичида у турли лавозимларда меҳнат қилиб, эл орасида хурмат қозонди, ёш мутахассисдан тажрибали ветврач сифатида улғайиб, кўпчиликнинг севимли устозига айланди.

Ўтган йиллар ичида Касби туманининг М.Улуғбек хўжалигига ветеринария врачи, туман давлат ветеринария бўлими бошлиги каби масъулиятли лавозимларда меҳнат қилган Бахтиёр Қурбонов айни пайтда вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси Ветеринария ишларини мувофиқлаштириш шўйбаси мудири лавозимида фаолият юритиб келмоқда.

Ўз меҳнати ортидан обрў-эътибор козонган Бахтиёр aka намунали оила бошлиги, 2 нафар ўғил ва 3 нафар қизнинг отаси ҳамда 12 нафар шириндан-шакар невараларнинг севимли бобосидир.

Ветеринария касбини севгани ва қадрлагани туфайли ўз ўғли Муслимбекни ҳам шу йўналишга рухлантириди. Айни чоғда ота дуосини олган ўғил Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасида бош мутахассис лавозимида фаолият олиб бормоқда.

Шуҳрат Эшматов,

Қашқадарё вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиги

ХОТИРА

БИЛИМДОН ВЕТВРАЧ ЭДИЛАР

9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан вилоятимиздаги жуда кўплаб устозларни ёдга олдик. Уларнинг эзгу ишларини, ветеринария соҳасини ривожлантиришдаги хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтдик. Ҳаёт ўткинчи, бу оддий ҳақиқат, аммо инсон ўз меҳнати, меҳри-муҳаббати билан ҳамкаслари ўртасида шу қадар ҳурмат топадики, буни одамлар узоқ пайт эслаб юришади. Сирдарёлик ветврачлар устози, асли янгиерлик бўлган меҳрибон инсон Одилжон Шодиев ана шундай тантни мутахассис эдилар. Одилжон бобо ҳаёт бўлгандарида, бу йил 86 ёшни қаршилаган бўларди.

У болалигидан чорвага меҳр кўйди, ветврач бўлишга интилди. 1954 йил мактабни битиргач, Чиноздаги ветеринария техникумидаги ўқиди ва узоқ йиллар чорвачилик фермаларида оддий ветфельдшер бўлиб ишлади. 1973-79 йилларда эса Одилжон

Шодиев ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда Москвадаги ветеринария академиясида сиртдан таълим олди. Шу тариқа у тажрибали ветврач сифатида ўшларнинг меҳрибон устозига айланди. Ховос тумани ветеринария бўлимида самарали меҳнат қилди, юзлаб ўшларни қаноти остига олиб, уларга тўғри йўл кўрсатди. Айни чоғда Одилжон бобонинг 4 ўғил ва қизи отаси сингари эл хизматига кирган, намунали оила бошлиги, бекаси сифатида маҳалла тадбирларида ҳам фаол. Устознинг фарзандларидан бири Малика Шодиева Ховос туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимида ветврач, ота руҳини шод этиб, самарали меҳнат қилмоқда.

– Отам доимо бизга ибрат бўлган, ишда ҳам оиласда ҳам. У бизни ўқишига, ҳалол ризқ топишга ундарди. “Ўз касбини пухта эгаллаган, ўқиши-ўрганишдан эринмаган инсон албатта ниятига етади”, дерди. Ана шу ўйтларга амал қилиб асло кам бўлганим йўқ. Бугун эса ўзим ҳам худди отам сингари фарзандларимга эзгуликдан дарс беряпман, – дейди Малика Шодиева.

Бахром Шерназаров, Сирдарё вилоят ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиги.